

...Кўшни ва қардош мамлакатлар билан бирга, ягона Марказий Осиё овози бўлиб, минтақамизнинг тинчлик, биродарлик ва ҳамкорлик макони сифатидаги нуфузини оширишга устувор аҳамият қаратамиз.

Шавкат МИРЗИЁЕВ



# Hurriyat

Mustaqil gazeta

2026-yil  
1-aprel  
chorshanba  
№ 13 (1491)

Gazeta 1996-yil dekabrda chiqqan boshlagan \* www.uzhurriyat.uz \* @ hurriyatuz@mail.ru \* t.me/hurriyatuz \* Hurriyat gazetasi

## ЭЪТИРОФ

### Ўзбекистон ва Тожикистон икки давлат тараққиётининг устувор йўналишларини мувофиқлаштиришда

Хорижий экспертлар Тожикистон Президентининг Ўзбекистонга давлат таширифи яқунларини икки мамлакат стратегик шериклигини институционаллаштириш ва минтақада кўп қиррали ҳамкорликни ривожлантириш йўлидаги муҳим қадам, деб баҳоламоқда.

Тожикистон Президенти Эмомали Раҳмоннинг шу йил 26–27 март кунлари Ўзбекистонга давлат таширифи икки мамлакат ўртасидаги стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини мустақамлашда муҳим босқич бўлди. Ташириф доирасида давлат раҳбарларининг музокаралари, Олий давлатлараро кенгашнинг биринчи йиғилиши бўлиб ўтди, саноат кооперацияси бўйича 10 та қўшма лойиҳанинг бошланиши, савдо, саноат, энергетика, транспорт, фан ва маданиятни ривожлантиришга қаратилган икки томонлама ҳужжатларнинг салмоқли тўплами имзоланди.

Саммитта иқтисодий кооперацияга алоҳида эътибор қаратилди. Етақчилар товар айирбошлашни икки миллиард долларга етказиш, транспорт ва чегараолди инфра-тузилмасини кенгайтириш, саноат ишлаб чиқаришини рағбатлантириш ва қўшма инвестиция лойиҳаларини илгари суриш чора-тадбирларини муҳокама қилди. “Яшил” энергетика, сув объектларини ра-

қамлаштириш ва ҳудудлар ўртасидаги транспорт-логистика боғлиқлигини мустақамлаш борасидаги ташаббуслар ҳамкорликнинг муҳим жиҳати бўлди.

Бухоро вилоятидаги “Merganteks” пахта-тўқимачилик кластери таркибидаги “Nigora” фабрикасида Ўзбекистон енгил саноати имкониятлари билан танишиш таширифнинг муҳим воқеаси бўлди. Президентлар икки мамлакат етакчи корхоналари ўртасидаги кооперацияни кенгайтириш, қўшимча иш ўринлари яратиш ва маҳсулотларнинг экспорт салоҳиятини ошириш муҳимлигини қайд этди.

Таширифнинг маданий-гуманитар дастури Ўзбекистон ва Тожикистон халқларининг маънавий яқинлигини тасдиқлади. Давлат раҳбарлари Бухоронинг тарихий обидалари – Баҳоуддин Нақшбанд мақбараси, Сомониёлар мақбараси, Арк қалъаси, Пойи Калон ва Лаби Ҳовуз ансамблларини зиёрат қилди, икки мамлакат санъат усталарининг концертида иштирок этди. Бу, экспертларнинг фикрича, дўстлик ва маданий мерос мушта-раклигининг рамзидир.



Сюй ТАО, Хитой Давлат кенгаши ҳузуридаги Евроосиё ижтимоий ривожланиш институти директори ўринбосари:

— Хитой эксперт-таҳлил доираларида Тожикистон Президенти Имомали Раҳмоннинг Ўзбекистонга давлат таширифи Марказий Осиёдаги давлатларнинг ички мувофиқлашувини мустақамлаш йўлининг изчил ривожланиши сифатида қаралмоқда.

Бу ерда гап икки томонлама воқеа ҳақида эмас, балки Марказий Осиё мамлакатларининг барқарор ва институционал ўзаро ҳамкорлик форматларига ўтиши билан боғлиқ кенг-роқ минтақавий динамиканинг намоён бўлиши ҳақида бормоқда.

Марказий Осиё мамлакатлари сўнгги йилларда ривожланиш ва хавфсизлик масалалари бўйича келишилган ёндашувларни ишлаб чиқишга интилишларини намоиш этмоқда, бу эса минтақа ичида ҳам, ташқи ҳамкорлар билан ҳам ҳамкорликни чуқурлаштириш учун асос яратмоқда.

Шунга кўра, Ўзбекистон – Тожикистон алоқаларининг фаоллашуви Хитой томонидан тўпланган ишонч ва прагматизм даражасининг ифодаси сифатида қабул қилинади.

Александр ВОРОБЬЁВ, Россия Фанлар академияси Шарқшунослик институти илмий ходими, Жамоатчилик дипломатияси ва жаҳон сибсатини таҳлил қилиш маркази директори, Россия халқаро ишлар кенгаши эксперти:



даражадаги музокаралар натижаларини икки мамлакат муносабатларида ўта муҳим деб баҳолаш мумкин, чунки ташириф давлат таширифи макомига эга эди. Бир томондан, Президент Эмомали Раҳмоннинг таширифи Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасидаги икки томонлама муносабатларнинг ҳозирги вақтда эришилган чуқур характери таъкидлади. Томонлар, асосан, Тошкент ва шаҳсан Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг фаол позицияси тўғрисида кўп нарсаларга эришди.

2-6

## ИЗҲОР

### ЎЗБЕК ВА ТОЖИК

Азал тожик ва ўзбек, Аҳил-иноқ бир кўздек. Бир дин ҳам диёнати, Биродар-туғишгандек.

Ўзбек ва тожик асли – Ака-ука – бир насли. Қиз берган бир-бирига, Йўқ ҳеч бир бегонаси.

Меҳмондўст, кўнгли очик, Кўл ювсанг, тутар сочик. Меҳр бериб ўзгача – “Хуш омадед” дер тожик.

Ўзбек тутиб намак-нон, Кўрсатар кенг сўрини. Меҳмонга садқа-жони, Сўяр кўйнинг зўрини.

Тўй, маърака ҳам ошда Кўпқари-ю курашда, Кўшиб айтиш, уйинда, Доим олди ўринда.

Жомий ҳамда Навой, Ҳар икки элнинг фахри. Сўйиб тингланар бирдай Шерали, Жўрабеги.

Азал тожик ва ўзбек, Аҳил-иноқ, бир кўздек. Бир дин ҳам диёнати, Биродар-туғишгандек.

Холмўмин ЁДГОРОВ

## ЎЗЛИК

Одам Атодан бошлаб то Ҳотамгача ва ундан ҳозирги дамгача ўтган султонларнинг қонунларини ва уларнинг туриш-турмушларини донолардан сўраб-суриштирдим. Ҳар қайсиларининг йўл-йўриқлари, туриш-турмушлари, қилиш-қилмишлари ҳамда айтган гапларини хотирамда сақладим ва яхши ахлоқлари, маъқул сифатларини ўрнатиб олиб, уларга амал қилдим.

“ТЕМУР ТУЗУКЛАРИ”дан.



## АМИР ТЕМУРМИ ЁКИ АДАМ СМИТ?

Биз бу сарлавҳани бежиз юқоридагидек танламадик, сўзимизнинг бошиданок таъкидлаш керакики, Соҳибқирон Амир Темур ҳам ўтмишдошлари Мусо Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний сингари жаҳон саҳнасида бурилиш ясаган шахслардан бири ҳисобланади.

Тўғри, бугунгача мамлакатимизда бу шахснинг давлатчилик фаолияти, босиб ўтган йўли ҳақида кўп ёзилган, кўп ишлар амалга оширилди, лекин бу зотнинг иқтисодий ислохотларининг моҳияти ҳали тўлалигича шарҳлаб кўрсатилган эмас. Чунончи шотланд иқтисодчиси Адам Смит ва бошқа

европалик олимлардан уч юз йил олдин, бошқа жиҳатларини қўйиб туриллик, биргина аграр муносабатлар масаласида кўпгина адолатли саъй-ҳаракатларни амалга оширган эдики, уларни тўлалигича изоҳлаб, халқимизга кенгроқ маълумот бериш бугунги вазифаларимиздан биридир.

2-3-6

## ШУКУҲ

### КОРЕЯ ВА ХИТОЙ ДЕЛЕГАЦИЯЛАРИ ИШТИРОКИДАГИ НАВРЎЗ ТАНТАНАЛАРИ



Фарғона давлат техника университетиде миллий кадрларимизни ўзида мужассам этган Наврўз умумхалқ байрами кенг ва кўтаринки руҳда нишонланди. Тадбир аввалида университет илмий кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Жанубий Корейнинг “АНА Со.,Ltd” компанияси раҳбари Ку Ги Дога Фарғона давлат техника университетининг “Фахрий профессори” илмий унвони тантанали равишда топширилди.

8-6

## УЮШМА ФАОЛИЯТИДАН

### “МЕДИА ҲАФТАЛИК”: Йилнинг энг йирик медиа лойиҳаси старт олди

Глобал ахборот маконидаги шиддатли ўзгаришлар, ижтимоий тармоқлар ва сунъий интеллектнинг ривожланиши, фейк хабарлар оқими медиа соҳаси вакилларида мутлақо янги ёндашувларни талаб этмоқда. Шу мақсадда республикамизда йилнинг энг йирик ва муҳим таълимий-амалий лойиҳаси — журналистлар, блогерлар ва матбуот котибларини ягона платформада бирлаштирувчи “Медиа ҳафталик” ўз ишини бошлади.

Контент маркази томонидан Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси ва бошқа ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда йўлга қўйилган мазкур лойиҳа бутун республикадан қарий 12,5 минг иштирокчини қамраб олади. Жорий йилнинг 30 мартдан бошланган ушбу “Медиа ҳафталик” доирасида 26 июнга қадар ҳар бир ҳудудда 5 кунлик интенсив ўқув-семинарлар ва маҳорат дарслари ўтказилиши режалаштирилган.

Оролбўйи ҳудудда старт олган илк ҳафталик доирасида қатнашчилар замонавий медиа муҳитидаги дол-

зарб масалалар юзасидан кўникмаларини оширади. Машгулотлар самарадорлигини таъминлаш ҳамда ҳар бир касбий йўналишлар кесимида чуқурлаштирилган ва ихтисослашган билимлар бериш мақсадида, ўқув-семинарлар сессияларга бўлинган ҳолда ташкил этилмоқда.

4-6



# АМИР ТЕМУРМИ ЁКИ

1-6

Мухтарам олимларимиз кўп бора таъкидлаётганларидек, иқтисодий глобаллашув билан маънавий глобаллашув табиий чамбарчас боғланган ҳолда олиб борилсагина, дунёни навбатдаги фалокатлардан қутқариш мумкин.

Ўзимиз ҳам биламизки, космополитизм мафқураси ривожланган ҳозирги замонда қадимги ёдгорликларни, ўтмишни менсимаслик кайфияти устунлик қилаётган жиҳатлар ҳамон мавжуд экан, улардан кўз юмиб бўлмайдим. Замонавий иқтисодчи олимларимиз Қ.Муфтайдинов ҳамда Қ.Йулдошевлар ўзларининг "Шарқ иқтисодий таълимотлар тарихи" асарларида: "Бироқ ҳозирги кунда ҳам чоп этилаётган иқтисодий назария дарсликлариде ҳам бу ҳақда лом-мум дейилмаётгани кишини ажаблантиради", дея ўз эътирозларини аниқ ифода этишганини ҳақли талаб дейиш мумкин. Чунки иқтисодни билмаган ҳукмдор на улкан салтанат кура олади, на Ренессансга асос солади.

Юқорида тилга олганимиз, буюк ҳукмдор дифференциал рента таълимнинг нафақат моҳиятини очган, балки уни амалда қўллаган ва шу туфайли улкан Туронзамин салтанати атиги беш-ўн йил ичида юксак тараққий этган ҳамда мамлакат ҳаётининг барча жаҳаларида иқтисодий бақувват бошқарув тизими юзага келган эди. Лекин унинг иқтисодий ислохотларидан бош мақсади оддий халқнинг ижтимоий ахволини, яшаш турмуш даражасини яхшилашдан иборат бўлганини эса алоҳида таъкидлаш керак, чунки айнан шу шахсининг юксак иқтидори, улғувор ислохотлари туфайли Туронзамин давлатчилигида куч ва адолат уйғунлаштирилди, ўзигача бўлган ўтмиш етти аср давомида турли тоифалар қўлида сарсон бўлган давлатчилигимизни қайта тиклаб, бунёдкорлик, хунармандчилик, адабиёт, қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳаларда мисли қўрилмаган натижаларга эришишда қарвонбошлик қилди. Айниқса, маънавий баркамоллик орқали салтанат иқтисодини юксак даражага кўтардики, бундан ҳатто болалар, аёллар ҳам катта манфаат кўрди ёхуд улар ўзларининг шу жамиятнинг тенг ҳуқуқли ва давлат томонидан тўла муҳофаза қилинган шахс эканликларини гурур билан ифода эта оладилар. Зеро, биз ана шу азалий булоқларимиздан ташналигимизни қондирдимиз. Шу маънода мамлакатимиз Президентининг: "Бугун маънавият бошқа соҳалардан ўн қадам олдинда юриши керак, маънавият чинакам маънода янги кучга, янги ҳаракатга айланиши шарт!" — дея алоҳида қайд этганини назарда тутишга тўғри келади (Шавкат Мирзиёев. "Ҳозирги замон ва Янги Ўзбекистон", Тошкент, "Ўзбекистон", 2024. 264-б.). Билъақс, Янги Ўзбекистонни барпо этишда икки мустахкам устунга таянаётганимиз бежиз эмас: улардан бири — бозор тамойилларига асосланган кучли иқтисодиёт бўлса, иккинчиси аждодларимизнинг бой мероси ва миллий кадриятларга асосланган кучли маънавиятимиздир.

Демак, биз тарихимизнинг энг яхши анъаналаридан унумли фойдаланишга ҳаракат қилишимиз, ақли халқ ҳамиша муаммоларини яширмасдан, уларни жойида ҳал этишга ҳаракат қилади. Шу маънода, 1929 йилларда АҚШда, 1945 йилда Японияда, 1970 йилларда Хитойда юзага келган иқтисодий қийинчиликларни вақтида аниқлаб, тўғри тадбир ва режалар асосида мамлакат қарвонини тўғри йўлга бошлаб юборганлари учун ҳам бугун бу мамлакатлар жаҳонда ўз мавқелига эгадирлар. Ўша йилларда тутилган ёшлар айнан бугунги иқтисодий тараққийотни ўз ўрнига қўйганлари биз учун айнан ижобий тарихий сабоқлар, дейишга асосимиз бор.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқадиган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёевнинг 2026 йил 5 февралдаги "Буюк давлат арбоби ва саркарда, илм-фан, маданият ва санъат ҳомийси Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 690 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида"ги Қарори ана шу қарашларга ҳамоханлиги билан катта аҳамият касб этади. Унга кўра, буюк аждошимиз асос солган Иккинчи Ўйғониб даврининг миллий ва умумбаъшарий моҳияти, ёш авлодни Янги Ўзбекистон бунёдкори этиб тарбиялаш борасидаги улкан ўрни ва таъсирини инобатга олиб, ушбу йўналишда амалга оширилаётган ташкилий-амалий, илмий ва маънавий-маърифий ишларни янги си-



фат босқичига кўтариш кўзда тутилган.

Шу ўринда "Япон руҳияти — Ғарб техникаси" ("Vakon-yosay") деган шiorга эътибор бериб кўрайлик. Япон прагматизмининг бошқалардан фарқи ана шу шiorда намоён эди: "Улар ҳар қандай ривожланган ғарб давлатларининг мамлакатга кириб келган ангилликларни кўр-кўрона қабул қилган эмаслар". АҚШ, Европа технологияларини ўзлаштириш жараёнида миллий кадриятларни сақлаган ҳолда японларни янгилаш шароитларига ўргатдилар ва ривожланган мамлакатлардан ўзиб кетишга эришдилар. Демак, адолатли ва зукко раҳбарларнинг одилона тутган йўллари, ўз пайтида чиқарган қарорлари халқни тўғри йўлга, тараққийотга, пок маънавий оламга етаклайди ва мамлакат қарвонининг тўғри одимлашига асосий маёқ бўлади.

Шу жиҳатдан қараганда, биз ўтмиш оламида ҳам масъулимиз, зеро, халқнинг буюклик хислатининг яна бир муҳим жиҳатларидан бири шуки, у ўзининг қимлигини, тарихини, ўтган аждодларининг ёрқин вакилларини унутмайди. Уларнинг давлатчилик ишларининг энг яхши анъаналарини ўзлаштириши ва замон талабларига мослаб, уни ривожлантириб, тирикликнинг янги ўзанларини пайдо этади ва элу юртнинг тинч, осойишта яшаши, айниқса, ёш авлоднинг маънавий баркамол шаклланишига теран эътибор қаратади.

Соҳибқирон Амир Темурнинг иқтисодий илми ва тушунчасининг шаклланишида МАНТИҚ ИЛМИ ҳаётий зарурат эди: инсондек мураккаб мавжудотнинг ИККИ ЭШИК орасида нафақат тўғри шаклланиши, балки интихосида ҳам тўғри йўлда бўлиши дунёвий бир зарур талабдир. Хўш, нима учун Соҳибқирон Амир Темурнинг иқтисодий мантиқ илмига алоҳида аҳамият қаратмоқдамиз, деган саволга ҳам адолатли иқтисодий тизим учун аввало маънавий асос керак эди, деган ҳолисона тўхтама қелиш керак, деб ўйлаймиз. Зеро, Хусайн Воиз Кошифийнинг "Мардлик дастури"даги жавонмардлик шарҳлари кишини бир умрга йўлатириб қўяди. Бизда бу ҳаракат Х асрдан эътиборан кенг қулоч ёзган эди.

### БУ ҚАНДАЙ ҲАРАКАТ ЭДИ?

Оиласи, ақли аёли, Ватани ва халқи, ёру дўстлари зиммати учун умрини баҳисда этиш, фақат яхшиликни ўйлаб, эзу ишлардан чарчамаслик, эзгу хулқ-атворга эга бўлиш, топганини ўзгалар билан баҳам кўриш, яъни "бир майзининг тирмакка бўлиб, баҳам кўриш", муҳтожларга ўз вақтида, ўз пайтида ёрдам бериш, пиру устозлар, дўст-биродарлар номуси, шарафини ҳимоя этиш, ЗОҶИРАН ва БОТИНАН пок юриб, пок яшаш, покиза инсонлар шарафини қозониш ва ҳоказо олий хислатлар ЖАВОНМАРДЛИКнинг асосий шартлари эди.

Бу афсона эмас, бирон-бир бадий асарнинг идеал қаҳрамони хусусиятлари ҳақида гап бормаяпти (Хусайн Воиз Кошифий. "Ўзбекистон", Мардлик дастури. 288-б.), аксинча, бу олийжаноблик ўтмишимизда мавжуд бўлган улкан ва бебаҳо дастур эди.

Араб сайёҳи Ибн Батута ўзининг "Сафарнома" китобида Туронзамин кишиларининг фазилати ҳақида ёзар экан, "Мен дунё кезиб, бундай одамларни (яъни жавонмардларни) бошқа ўлкаларда учратмадим", деб қайд этган.

Маънавий баркамоллик билан эришилган иқтисоднинг баракали бўлиши оддий тушунча, аммо уни қўллаш, унга риоя этиш бошқа масала, зеро, ҳазинага бир чақа ноқонуний топишган қирим бўлса, қанчалик зарар бўлишини ўзингиз ҳам яхши биласиз. Шу боис ҳам Соҳибқирон Амир Темур халқнинг ризига ниҳоятда эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлгани, бундай жиддий муносабатлар ўзининг ижобий натижасини берган. Чунончи инглиз олимаси Хилда Хўкхэмнинг таъкидлашича, Туронда галла ҳосили сероб бўлиб, бир неча пенсга (инглизларнинг 1/12 шиллинга тенг майда чакаси) бир ярим бушель (инглизларнинг 36,4 литр ёки килограмма тенг оғирлик ўлчови) арпа сотиб олиш мумкин бўлган, яъни бу ҳам маънавият: тўқ одам, тўқ халқнинг одоб-ахлоқи жойида бўлади.

Агар Амир Темур иқтисодий ислохотларининг айрим жи-

ҳатларига эътибор берсак, масала янада ойдинлашди, чунончи, ҳар бир навқарга бир от баҳосида маош белгиланганини олиб кўрайлик. Нима учун бир от баҳосида? Сабаб шуки, аввало бу нарса Амир Темурнинг зукко иқтисодчи бўлганидан дарак беради, чунки ўша пайтларда от энг қимматбаҳо улов ҳисобланар, шу баробарида маош олган аскар оиласини бемалол боқа олар, ҳатто ортиқча даромад қилиши ҳам мумкин эди. Ана энди бугунги кундаги энг қимматбаҳо энгил машина нархини бир кўз олдингизга келтириб кўринг-чи, у зотнинг бу муаммога қанчалик зукколик билан ечим топганига гувоҳ бўласиз.

Шу боис ҳам Амир Темурнинг иқтисодий ислохотлари халқ ҳаётини энгиллаштига қаратилгани билан аҳамиятландир. "Темур тузуқлари"да, айниқса, кенг ва теран баён этилган, яъни:

— қимки бирор саҳрони обод этса, биринчи йили ҳосилдан солиқ олинмаган. Бу албатта, ер ўзлаштирувчи учун ҳам, давлат учун ҳам катта фойда эди, чунки деҳқон учун бу рағбат бўлса, давлат учун эса янги тушумлар ирмоғининг пайдо бўлишининг ажойиб омили эди;

— яна хирож ҳам экиндан кўтарилган ҳосилга ва ернинг унумдорлигига қараб олинган. Чунончи доим узлуқсиз равишда қориз, булоқ ва дарё суви билан сугорилган экин ерлар назарда тутилиб, ундай ерлардан олинган ҳосилнинг (учдан икки) ҳиссаси раиятга, (учдан) бир ҳиссаси эса салтанат хазинасига тушган. Булардан ташқари, кузги, баҳорги, қишки ва ёзи деҳқончиликдан олинган ҳосил раиятнинг ўзига қолган;

— қайси бир деҳқоннинг ерни экишга маблағи бўлмаса, уларга давлат томонидан қўмак берилган;

— деҳқонлар ва аҳолидан қайси бирининг деҳқончилик қилишга қурби етмай қолган бўлса, унга экин-тикин учун зарур уруғ ва керакли қишлоқ хўжалик ускуналари тайёрлаб берилган;

— қимнинг уй иморати бузилиб, тузатишга қурби етмаса, керакли ускуналар билан таъминланган.

Кўринадикки, мамлакатдаги мавжуд табиий тартиб-қондалар аҳолининг хоҳиш-иродаси учун хизмат қилган ва шу йўсида мамлакатда маънавий ривожнинг юксалишига эришилган. Биргина мисол: туман бекари уч йил муддатга тайинланган ва шу даврда худуднинг ижтимоий аҳоли, ободончилиги яхшиланса, уларнинг бошқарув муддати яна узайтирилган.

"Тузуқлар"да ёзилгани: "Амр қилдимки, тўрт вазир ҳар кун девонхонада ҳозир бўлинлар. Биринчиси мамлакат ва раият вазири. Бу вазир мамлакатнинг муҳим ва кундалик ишларини, раият аҳолини, вилоятлардан йўлланган ҳосил, солиқ-ўлпонлар, уларни тақсимлаш, қирим-чиқимларни, (мамлакат) ободончилигини, (аҳолининг) фаровонлиги ишларини ва мулкни қай тарзда тартибга келтираётганини мента билдириб турсин".

Бу ўринда муҳими шуки, Соҳибқирон Амир Темур танланган вазир учун иш низоимни аниқ битган ва унинг бажарадиган ишлари асосан халқ манфаатига қаратилиши ана шу биргина мисолдан ҳам маълум. Яна бир эътиборли жиҳати, мамлакатда қўли қалта кишилар кўп бўлиши мумкин, хўш, уларни ишга жалб этиб, оғирликларини энгил қилиш учун қай тарзда чора-тадбирлар лозим? Бу тўғридаги аниқ кўрсатмаларни яна у зотнинг "Тузуқлар"дан топамиз: "Хароб бўлиб ётган ерлар эгасиз бўлса, ҳолисаси (давлат даромадлари ва ерлари билан шуғулланувчи олий мансабдорлардан иборат ҳайъат) тарафидан обод қилинсин. Агар эгаси ва ер-

## Ўзбекистон ва Тожикистон икки давлат тараққийотининг устувор йўналишларини мувофиқлаштиришда

1-6

Бошқа томондан, ушбу ташриф икки томонлама алоқаларни, биринчи навбатда, савдо-иқтисодий алоқаларни янада жадаллаштиришга янги ва жиддий туртки берди, гарчи томонлар сиёсий мулоқот ва хавфсизлик соҳасидаги мулоқотни унутмаган бўлсалар-да.

Биринчидан, икки томонлама муносабатларнинг янада институционаллашуви юз берди — икки мамлакат Олий давлатлараро кенгашининг биринчи йиғилиши бўлиб ўтди. Бу алоқаларни мустахкамлаш йўлидаги катта қадамдир.

Иккинчидан, озик-овқат, қурилиш, тўқимачилик ва чарм саноатида унга яқин янги иқтисодий лойиҳаларни амалга оширишга киришилди. "Ойбек — Фотиҳобод" чегараолди савдо марказини ташкил этишни жадаллаштириш, товарларни сертификатлаш ва рухсатномалар алмашишининг рақамли тизимларини жорий этиш, чегара ўтиш жойларини модернизация қилиш тўғрисидаги келишувлар савдо, саноат кооперацияси, икки мамлакат ишбилармонлари ва фуқароларининг ўзаро ҳамкорлигини оsonлаштириши керак.

26-27 март кунлари эришилган қарорларнинг самараси, албатта, дарҳол бўлмайдим. Лойиҳалар узоқ муддатли характерга эга. Бироқ истиқболда бу ҳам Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасидаги икки томонлама муносабатларни мустахкамлайди, ҳам уларнинг иқтисодиёти ўсишига, янги иш ўринлари яратилишига туртки беради ва умуман олганда, Марказий Осиёда минтақавий барқарорлиқни мустахкамлайди.

Саид Холид АМИР ЖАФРИ, Жанубий Осиё таҳлили ва халқаро тадқиқотлар маркази директори (Покистон):  
— Тожикистон Президенти Эмомали Раҳмоннинг Президентини Шавкат Мирзиёев тақлифига биноан Ўзбекистонда давлат ташифи Марказий Осиёдаги сиёсий-иқтисодий яқинлашув жараёнларининг мантиқий да-

ражаси сезиларли ўсаётганидан далолат беради ва Марказий Осиёнинг барқарор тараққийотини таъминлаш учун зарур бўлган ҳамкорликнинг самарали институционал механизмларини шакллантиришга хизмат қилади. Покистон учун ушбу ташрифнинг аҳамияти кенгроқ геоиқтисодий контекста қабул қилди. Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги ўзаро боллиқликнинг кучайиши Покистон учун шимолий йўналишда янги транзит ва савдо имкониятларини очди. Хусусан, Марказий ва Жанубий Осиёни темир йўл ва автомобиль коммуникациялари, жумладан, Афғонистон орқали ўтайдиган транспорт йўлақлари орқали боғлаш ташаббуслари бутун минтақа учун стратегик аҳамият касб этмоқда. Шу нуқтаи назардан, Тошкент ва Душанбе ўртасидаги ҳамкорликни мустахкамлаш бутун Евроосиё макониде логистика занжирларини диверсификация қилиш ва барқарор етказиб бериш йўналишларини шакллантиришга хизмат қилади.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Марказий Осиёда тинчлик, хавфсизлик ва яхши кўшничлик муҳитини шакллантиришдаги ўрни алоҳида стратегик аҳамиятга эга. Ўзбекистон етакчисининг ташаббуслари билан сўнгги йилларда минтақа мамлакатлари ўртасида сиёсий мулоқотнинг мунтазам ва институционалланган механизмлари йўлга қўйилди, чегара ва сув масалалари бўйича ўзаро макбул ечимлар топилиди, савдо-иқтисодий ҳамкорлик сезиларли даражада фаоллашди.

Гўзалей МАЙТДИНОВА, Геоисий тадқиқотлар маркази директори, тарих фанлари доктори, профессор:  
— Ушбу ташриф фақат икки давлат муносабатлари доирасида эмас, балки бутун Марказий Осиёдаги хал-

қаро муносабатларга ҳам таъсир кўрсатади. Бундай ҳамкорлик алоқалари минтақада давлатлар ўртасидаги ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқмоқда.



Асосий натижалардан бири "Минтақа ичида етакчилик" модели мустахкамланаётганидир. Яъни Марказий Осиё давлатлари ташқи кўчларга боллиқ бўлмасдан, ўзлари мустақил равишда ҳамкорлик тизимини шакллантиришга ҳаракат қилмоқда.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасидаги алоқалар оддий ва қисқа муддатли ҳамкорликдан чиқиб, узоқ муддатли ва тизимли шерикликка айланди.

Ташрифнинг энг муҳим жиҳатларидан бири — янги ҳамкорлик механизмнинг ишга туширилиши бўлди. Яъни Тошкент шаҳрида Олий давлатлараро кенгашнинг биринчи йиғилиши бўлиб ўтди. Бу тузилма икки давлатга муҳим қарорларни биргаликда қабул қилиш, ҳаракатларни мувофиқлаштириш ва умумий стратегия асосида иш юритиш имконини беради.



Халқ банки Қашқадарё вилоят минтақавий марказида вилоят прокуратураси билан ҳамкорликда соҳадаги коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш ва ҳодимлар масъулиятини оширишга қаратилган давра суҳбатига қатнашди. Танқидий ва таҳлилий руҳда ўтган давра суҳбатиде соҳадаги ислохотлар самарадорлиги баробарида, тизимда учраётган камчиликлар ва айрим "оғирлиқ нуқталар"га алоҳида эътибор қаратилди.

## КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШ — ТИЗИМ БАРҚАРОРЛИГИ ГАРОВИ

Коррупция иллатнинг салбий оқибатлари ҳақида тўхталар экан, Халқ банки Қашқадарё вилоят минтақавий маркази раҳбари К.Нурхонов ҳодимлар масъулиятига алоҳида тўхталиб ўтди. Банк тизимида биринчи навбатда ҳалоллик ва қонунийлик фаолиятнинг бош мезони бўлиши шарт.

Шунингдек, мулоқот давомида мамлакатимизда 2017 йилдан буён изчил амалга оширилаётган коррупцияга қарши ислохотлар, хусусан, Президент ташаббуси билан қабул қилинган "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги Қонуннинг аҳамияти хусусида сўз юритилди.

Қайд этилганидек, бугунги кунда банк тизимида "ISO 37001" халқаро стандарти асосида комплаенс-назорат фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, бу коррупциявий хавфларни минималлаштиришда ҳамда олдини олишда муҳим омили бўлмоқда. Шунингдек, манфаатлар тўқнашувини тартибга солувчи механизмлар ҳам амалиётга жорий этилган.

Банк тизимида коррупциявий хавфларни барвақт аниқлаш ва уларнинг олдини олишда масофовий ва тезкор қайта алоқа каналлари муҳим аҳамият касб этмоқда. Жумладан, "1106" қисқа рақами ва рақамли платформалар орқали келиб тушаётган хабарлар тезкорлик билан ўрганилиб, ижроси қатъий назоратга олинмоқда. Бу эса соҳада жамоатчилик назоратини кучайтиришда муҳим бўлиб хизмат қилади.

Вилоят прокуратураси вакили Б.Пўлатов банк-молия соҳасида қонунийликни мустахкамлашнинг долзарб жиҳатларига эътибор қаратди. У банк хизматлари кўламини кенгайтирганини эътироф этар экан, соҳадаги айрим тизимли камчиликларни ҳам танқидий таҳлил қилди.

— Шунинг унутмаслик керакки, талон-торож қилинган ҳар бир сўм — халқнинг мулки. Бундай ҳолатларга нисбатан барчамиз бирдек мурокасиз бўлишимиз шарт, — деди прокуратура вакили.

Мулоқот давомида Яқабоб банк хизматлари марказида кузатишган мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш ҳолати кескин танқид остига олинди. Қайд этилганидек, ортиқча қозғобозлик ва мижозларни сарсон қилиш каби суний тўсиқлар коррупция учун қулай шароит яратди. Бу каби ҳолатларга чек қўйиш мақсадида хизмат кўрсатиш жараёнларини соддалаштириш ва тизимни рақамлаштиришни жадаллаштириш энг долзарб вазифа сифатида белгиланди.

Давра суҳбати якунида коррупцияга қарши курашишда ҳуқуқий савдоношлиқни ошириш, фаолият очкилигини таъминлаш ҳамда ҳалол меҳнат қилаётган мутахассисларни рағбатлантириш тизимини кучайтириш бўйича устувор вазифалар белгилаб олинди.

# АДАМ СМИТ?

лари билан шуғулланувчи олий мансабдорлардан бўлса-ю, обод қилишга қурби етмаса, унга турли асбоблар ва керакли нарсалар берсинлар, токи ўз ерини обод қилиб олсин”.

Лекин иш шу билан якунланмайди, мамлакат обод бўлса, халқ кўнгли ёришиб, гўзалликдан баҳра олиб, ҳам маънан, ҳам руҳан мадад олиб, ўзлари ҳам эзуликка қўл беришади. Шу боис ҳам, “Яна амр қилдимки, хароб бўлиб ётган ерларда коризлар қуришсинлар, бузилган кўприкларни тузатсинлар, ариқлар ва дарёлар устига (янги) кўприклар солсинлар, йўл устига рабоблар бунёд этсинлар”, деган кўрсатмалар берилган.

Мамлакат ичкараси каби ўзга ҳудудларда ҳам, ҳатто турли юришлар чоғида ҳам тинимсиз ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишлари олиб борилган. Масалан, 1381 йилда Хуросонга юриши чоғида Мурғоб водийсида тўхтаб, дарёдан ариқлар қазиб, сув чиқаришга фармон берган. Тез муддатда 20 дан зиёд ариқлар қазилган ва ҳар бир ариқ ўша бошлиқлар номига қўйилган: Умар Тобон ўғли, Оқ бўға, Шайх Али Баҳодир, Давлатшоҳ Жондор, Алоуддин Иноқ, Менгли Хожа, Кебекчи Юртчи, Қўтлуғ хотун (аёл) ва ҳоказо. Ушбу суғориш тармоқлари Мурғоб воҳасида ҳозирги Боло Мурғоб шаҳридан юқорида, шунингдек, Ҳофизи Абрў Дилқушо, Ганжравон, Ганжхона Шайх Али Саъд, Гулбоғон, Ҳасан Жондор Саҳдак, Пурдор, Али Малик, Санжидак каби ариқлар қазилиб, сув чиқарилган. Сув мевали боғлар, яшнаган далаалар, халқнинг фаровонлиги дегандир.

Бунёдкорлик ишлари ҳақида ҳам алоҳида тўхталашга тўғри келади.

Соҳибқирон етти йиллик юриши арафасида (1399 – 1404) қишлоғни Озарбайжонда ўтказиб, йирик иккита қурилишни амалга оширган. Румга юришидан олдин Аррон Қорабоғида қишлоқда турганида Арас (Аракс) дарёси водийси илгари хароб бўлиб ётган катта ариқни қўриб, бир ой ичида 10 фарсаҳдан ортиқ (60 – 70 км) ариқни қаздириб, бу ариқда кемалар қатновини йўлга қўйган. Ариққа Барлос ариғи деб ном берилиб, унинг шарофатидан кўп тегиримонлар ва боғ-бўстонлар обод бўлган.

Шунингдек, Соҳибқирон етти йиллик юришидан қайтишда яна қишлоғни Озарбайжонда ўтказган. 1403 йил бу ерда қўшини Аракс ва Кура дарёлари бирлашган жойидаги 1224 йилда мўғуллар томонидан вайрон қилинган Бойлақон шаҳри қурилишини қийин об-ҳаво шароитида (октябрь ойда) бир ой муддатда ниҳоятга етказдириган. Мазкур шаҳар ва атрофини сув билан таъминлаш учун Арас (Аракс) дарёсидан махсус ариқ ҳам бир ойда қаздирилган. Ариқнинг узунлиги олти фарсаҳ, эни ўн газ бўлиб, у Арас (Аракс)дан бошланиб, Бойлақон шаҳри ва атрофларини сув билан таъминлагач, Кура дарёсига бориб қўйилган:

- ариқнинг узунлиги 6 фарсаҳ, эни ўн газ;
- чуқурлиги 70, баъзи жойларда 4-8 газни ташкил этган (бир газ 78,74 см);
- аксарият қисмида 4, ундан кам 2 газгача ҳам бор эди.

Соҳибқирон топшириғига кўра, муаррих Ҳофизи Абрў ҳам ариқни қазишда геодезик ишларни бажаришга бош-қош бўлган ва бу ҳақда ноёб маълумотларни ёзиб қолдирган. Ушбу суғориш иншоотлари туфайли мамлакатда деҳқончилик тарққий этган, аҳолининг турмуш даражаси яхшилланган ва атроф-муҳит мусабфалиги ҳам анча барқарорлашган.

Айниқса, Тошкент шаҳри билан боғлиқ воқеалар биз учун жуда мўътабар ва қимматли саналади. “Шаҳарни — Тошкандни иккинчи марта олганимдан сўнг етти йилгача бу ерларни обод қилишга киришдим, — дея қайд этган Амир Те-



мур. — Сайхун ва Жайхун сувларидан деҳқонларни таъминладим. Кўпгина очилмаган ерларини очиб, зирот бердимки, ҳар қандай ерни экинсиз қолдирмаслик чорасини кўрдим. Деҳқонлар ҳам мамнулик билан бундан истифода этмоққа, маҳсулотларни кўпайтиришга кўнгли қўйди. Натижада бир донга бугдой уруғидан икки юз донгадан тўрт юз донгагача ҳосил олмақчиларига эришилди. Бунинг соясида Турон аҳолиси ҳаёти фаровонлашиб, бой бўлиб кетди. Маҳсулотга омондорлар тўлиб кетганидан ултурадиган уйларига ҳам бугдой тўлдирмоққа мажбур бўлдилар. Ҳатто айрим жойларда ўз вақтида йиғиштириб олинмаган маҳсулот қор остида қолиб кетди”.

Бу бароққа қаердан, деган савол ҳақида яна бир қарра мулоҳаза юритсак, Амир Темур иқтисодий ислохотларининг аввало халқ манфаати учун хизмат қилганини кўрамиз, чунки у зот 200-300 минг қўшинини ҳам тинчлик пайтларида юртини обод этиб, халқнинг турмушини яхшилашга қаратгани ҳар жиҳатдан эътиборли воқеалардир.

Амир Темур бошлаб берган иқтисодий-маънавий тизим ўзидан кейин ҳам катта ва кенг миқёсда давом этди. Тарихимизда бунга мисоллар кўп, аммо биз улардан бир-икитаси билан чекланамиз, ҳолос.

Ҳақиқатан ҳам, Амир Темур ва Теурийлар даврида халқ учун жонини жабборга бериб ишлаган шахслар кўпчилики ташкил этди. Ана шундай зотлардан бири Ҳўжа Аҳрор валий ҳазратлари бўлиб, у зот 1404 йилда Тошкентда тутилган. Йирик ер-сув, мол-мулк эгаси бўлган. Али Сафий: “Ҳазрати Эшоннинг мол-мулклари, асбоб-анжомлари ҳаддан кўп, ҳисоб ва санокдан ташқари эди”, дейди. Айтишларича, ҳазратнинг Қаршида 150 минг таноб, яъни 28 минг гектар, Самарқандда 200 минг таноб, яъни 35 минг гектар ери бор эди.

Авлие киши шунча бойлиқни қаердан тўплаган ва нима қилган, деган саволнинг пайдо бўлиши аниқ.

1451 йилда теурийи шахзодалардан бири Абу Саид мирзо Тошкентга келганида, Ҳўжа Аҳрор валийнинг ёрдами билан ўзининг рақиб Мирзо Абдулла қўшини устидан ғалаба қозонади. Ана шу ғалабадан сўнг Абу Саид мирзонинг у зотга ихлоси ортиб, уни Самарқандга олиб келган ва Хожа Кашфир маҳалласидан унга бошлана қилиб берган.

Ҳўжа Аҳрор валий жуда сербаракотли киши бўлиб, унинг ҳар бир қадамидан барақа ёғилиб турарди. Абу Саид мир-

зонинг тархонлик ёрлиғига сазовор бўлгач, у оддий деҳқонларнинг оғирини енгиб қилишга, халқнинг осойишталиги ва маънавиятининг бутун бўлиши йўлида диққат-эътибори ва кўч-куватини сарф этди. Натижада кўпгина деҳқонлар ўз ерларини унинг имтиёзли хисобига ўтказиб, тинчгина даромад топишга, ўзлари истагандек рўзгор тебратишга муяссар бўладилар. Албатта, бу халққа ёқадиган иш эди. Шу боис ҳам бутун Турон мулкида Ҳўжа Аҳрорнинг обрўйи кун сайин юқорилаб боради. Айниқса, 1458 йилда уч нафар теурийи шахзода: Султон Аҳмад мирзо, Умаршайх мирзо ҳамда Султон Маҳмуд мирзолар Шохруҳия шаҳрида бир-бирларига тиш қайраб турганларида, Ҳўжа Аҳрор валий шошилинч равишда Самарқанддан келиб, уларни бир жойга тўлаб, катта хунрезликнинг олдини тўсади ва ўртада сулҳ тузилишига эришади. Тасаввур этинг, бу уч шахзода бир-бирлари билан жангга киришганларида бутун Тошкент вилояти суворийлар ва жангчилар оёқлари остида қолиб, топталар ва қанчадан-қанча беғуноҳ аҳолининг ёстиғи қуриши ҳам аниқ эди.

Бу шахсининг ана шу эзу иши, яъни жуда катта урушнинг олдини олиб, уч шахзодан адолат билан сулҳга кўндиргани оламшумул воқеа эмасми? Бу ҳам иқтисод, бу ҳам солиқ, яъни халқнинг қанча мулки, бойлиғи сақлаб қолинди, давлат ҳам солиқларидан айрилмади. Ҳўш, буни ёзиш керакми-йўқми ёки мен фақат иқтисод, солиқ ҳақида ёзишим керак, дея тарихнинг ана шу муҳим бурилиш нуқтасидан кўз юмиб ўтиб кетиш керакми?

Европада ёки жаҳонда урушнинг олдини тўсган шунчақ бой кимса, яна бошқа авлиё борми?

Бу ҳам майли, бу ёғини эшитинг: Умаршайх мирзо Тошкент вилояти аҳолисига 250 минг динар солиқ солганда, бу маблагни Ҳўжа Аҳрор валий

ўз ҳисобидан тўлаб юборди ва яна қўшимча 70 минг динар солиқчиларга бериб, давлат хазинасига тортиқ этади (А.Уринбоев. Ҳўжа Аҳрор. “Буюк сиймолар, алломалар” тўплами. “Мерос”, 1996, 52-б.)

“Бизнинг бойлигимиз фақирлар учун. Бойлигимизнинг сири шунда”, деган эди у зот (Шерозд Отамуродов. Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор, Тошкент, “Мовароуннаҳ”, 2004, 48-б.).

“Биз бу йўлни тасаввуф китоблардан эмас, халққа хизмат туфайли қўлга киритдик”, деб ёзган у зот.

Яна бир ўринда: “Мен умрим давомида бировдан ҳаққа қабул қилмадим”, дея таъкидлаб ўтган. Демак, бугунги ёш авлод билиши кераки, бизнинг улғў аждодларимиз таъма-гирликни ор билишган, ундан ҳазор қилишган. Гоҳо таъма-гир кишиларни кўрсак, ўзимиз ҳам уларга ачиниб қараймиз, агар ёшлиқ қилиб, ўзимиз ҳам шу аҳволга тушган кезларни эсласак, нимага олдинроқ Ҳўжа Аҳрор валийнинг асарларини ўқимаган эканман, нимага у зотнинг ҳаётини ўрганмаган эканман, деб ачинамиз. Зеро, биз бугун давлатлигимиз, кечаги ўзгаларнинг қўлидаги “қуллар” эмасмиз. Бизнинг ўз сув ичар бўлоқларимиз, шоир айтганидек, ўз сиғинар мазорларимиз бор. Зеро, бунинг яна бир ўчи Соҳибқирон Амир Теуру тамал тоши қўйган адолатли солиқ соҳасига бориб тақалади.

Теурийлар Уйғониш даврининг яна бир ҳотамтой вакили, миллат таянчи, улғў шоир, давлат ва жамоат арбоби Мир Низомиддин Алишер Навоий ҳисобланади. Чунки отаси Ғиёсиддин кичкина Теурийлар даврида Сабзавор шаҳрининг ҳокими эди. Вафот этгач, ундан ўртанча ўғил Алишербекка ҳам бироз мулк мерос қолган. Шоир ўта эзук инсон эди. У отасининг мулкни созуриши эмас, уни асраб, кўпайтириши йўлида ва тadbirkorлигини ишга солиб, халол йўл билан риққ топиб, тезда бойиб кетади. 1481 йилда битилган “Вақфия” ҳужжати маълумотларига кўра, унга қарашли ерлар 500 жарибни ташкил этган. Булардан ташқари, гавжум бозорларда у зотнинг қатор савдо расталари ҳам мавжуд эди. Мазкур ерлар, боғу роғлар, савдо дўконларидан келадиған даромадларини у ҳотамтойлик билан муҳтож оилаларга, етим-есирлар, бева-бечоралар, илмли инсонлар, мадраса, мачитлар, талабалар эҳтиёжи учун сарфлаб юборарди. Давлатга солигини ўз вақтида тўлар, хайру худойини ҳам унутмасди. Ҳатто бир гал подшоҳ дўсти Султон Мирзо Хусайннинг давлат харажатлари кўпайиб кетиб, халққа солиқ солмоқчи бўлганда, аҳолига жабр бўлмасин деб, ўз ҳисобидан 25 минг динарни бутун мамлакат аҳли учун ҳеч бир оғринмай тўлаган эди.

Бундан ташқари, ўша даврнинг кўзга кўринган муаррихи Хондамирнинг маълумот беришича, Алишер Навоий ўз маблаг ҳисобидан 52 рабоб, 19 ҳовуз, 16 та кўприк, 9 ҳаммом ва бир қанча мадраса, масжид, хонақоҳ ва шифохоналар қурдирган. Астробод шаҳридаги Мир саройи ва жоме масжиди, Марв шаҳридаги мадраса шулар жумласидандир.

Теурийлар Уйғониш даврининг бу икки мўътабар до-нишманди ҳақида жуда кўп эътиборли фикрларни айтиш мумкин, аммо масала шундаки, шахсининг бойлик орттириши фақат ўз манфаати, ўзининг тўқ ва бой яшаши учун эмас, балки бу ҳам Тангрининг унга тирикликда инъом этилган омонати, деб билиши кераклигини ва бу бойлиқнинг ҳам аслида халқники эканини Амир Теуру қайта-қайта такрорлаб ўтгани, бунга унинг авлодлари каби халқнинг нуфузли вакиллари ҳам амал қилишган.

Зеро, тарихимиздаги бу икки йирик аждодимиз ҳақида қисқача бўлса-да, беҳуда тўхталмадик. Ўша замонларда бундай ҳотамтой, савобталаб ва халқнинг чинаям гамҳўри бўлган нуфузли шахслар ҳақида сўз юритсак, саҳифалар етмайди, аммо эзук китобхоналаримиз шу қисқа тафсилотларнинг ўзидан ҳам керакли хулоса чиқара оладилар, деб ўйлаймиз.

Ҳазрат Алишер Навоий айтганларидек:

**Гар яхши амал кишига одам бўлмай,  
Умри бу амал бирла зиёдат бўлмай!**

Тўлқин ХАЙИТ,

ЎзФА Теурийлар тарихи давлат музейи  
Маънавий ва маърифат бўлими раҳбари.

## ХОТИРА

# МУНАВВАР ҲАЁТ ВА ИЛМ СОҲИБИ

### исломшунос олим, тарих фанлари доктори, профессор Убайдулла УВАТОВни ёд этиб...

**Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Теурийлар тарихи давлат музейи анжуманлар зали ҳар галгидан-да гавжум бўлди. Боиси ўзбек исломшунос олими, ҳадисшунос, шарқшунос, арабшунос, тарих фанлари доктори, профессор Убайдулла Уватов хотирланиб, номи улуғланмоқда. Алломанинг илмий-маърифий, маънавий ҳамда инсоний мероси ҳақидаги хотиралар, мақолалар, бағишловлар жамланган “Мунаввар ҳаёт ва илм соҳиб” китоби тақдирот маросимини Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Муслимбек Йўлдошев очди.**

— Убайдулла Уватов олим сифатида ҳам, инсон сифатида ҳам ажойиб устоз эди. У кишини илм оламидаги жавоҳирга ўхшатаман, — деди у. — Одамлар ҳаётини ислом оламида таниқли алломаларга бахш этган олим билан бир кўришсам, деб орзу қилишар эди.

Анжуманга йиғилган олимлар, уламолар, ёзувчи-шоирлар, журналистлар, олимнинг дўстлари ва барча яқинларига Убайдулла Уватов ҳақидаги қисқа фильм намойиш этилди. Экрандаги тасвирда ҳам юзларидан нур ёғиб турган устознинг қўли кўксиде, унинг сиймосида ҳақиқий илм эгасига хос камтаринлик акс этиб турибди.


— Улғў инсон ва шарқшунос устозимиз ҳақидаги рисола бизларга муносиб совға бўлди, — деди Тошкент давлат шарқшунослик университети ректори, профессор Гулчехра Рихсиева. — Убайдулла Уватовнинг билими ва инсоний ихлосларидан ҳайратланардим. Улар билан бирга ишлаганимдан фахрланаман. Ёшларни китоб ичида яшашга ўргатишга домланин ҳаёти ибрат мактаби бўлиб хизмат қилди. Университетимизда млмлатининг фахри бўлган Убайдулла Уватов ўқув хонасини ташкил этишни ният қилганмиз.

Убайдулла Уватов Соҳибқирон Амир Теуру ҳаёти ва фаолиятини ўрганишга бағишланган тадқиқотларга собиқ шўролар даврида қўл ур-

ган ўз даврининг жасоратли олими эди. Маълумки, собиқ мустабид тузум даврида Амир Теуру ва теурийлар тарихи ҳақида илмий тадқиқот олиб бориш ўта қалтис ва хавфли иш эди. Қанча қаршиликларга қарамай, олим илмда жасорат кўрсатиб, “Ибн Арабшоҳнинг “Ажойиб ал-мақдур фи тарихи Таймур” (Теуру тарихидаги тақдир ажойиботлари) асарининг таржумаси ва илмий таҳлили” мавзусидаги номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. Ушбу ишга асос бўлган асар қўлёзмаси Қоҳирадаги “Дор ул-қутуб” (“Китоблар уйи”)да сақланади. Ушбу қўлёзмадан фойдаланишда ва нусха олишда кутубхона мастўл ходими, ватандошимиз, исломий қўлёзмалар бўйича йирик олим, доктор Насрулло Мубашшир ат-Тарозийнинг хизматлари катта бўлганини Убайдулла Уватов ўз хотираларида мамнуният билан эслади:

“*Ўн бешинчи асрда яшаган араб тарихчиси Ибн Арабшоҳнинг Амир Теуру бобомиз ҳаёти ва фаолиятига бағишланган асарини ўқиб, унга ошқ бўлиб қолдим. Гарчи маълум сабабларга кўра, Ибн Арабшоҳ Амир Теуру бобомизнинг фаолиятига танқидий рўҳда ёндашган бўлса-да, лекин бу асарда Соҳибқироннинг ҳаёт йўллари, шахсияти, унинг сийрати ва суварати, ажойиб инсоний фазилатлари, давлат арбоби ва лашкарбоби сифатидаги бе назир салоҳияти ҳақида шу қадар маълумотлар келтирилганки, бошқа бирорта асарда Амир Теуру ҳақида бунчалик аниқ ва батафсил маълумотларни учратмайсиз”.*

Шу ўринда ўқувчиларга Убайдулла Уватов илмий фаолиятининг ўзига хослиги ва қамрови кенглигини яна бир қарра эслатмоқ зарур. Мустандиллик шарофати туфайли у ўзини батамом юртимиз алломалари ҳаёти ва илмий-маънавий меросини ўрганишга бағишлади. Араб тилини мукаммал билиши, тарихий манбалар билан ишлаш кўникмасининг тўлиқ шаклланиши туфайли ислом оламида жуда машҳур бўлган, аммо ўзбек китобхонига нотаниш қўллаб алломаларимизнинг ҳаёт йўли, уларнинг илмий-маънавий мероси билан қимматли ёзма манбалар асосида таништирди.



Имом Бухорий, Имом Термизий, Ҳаким Термизий, Имом Мотуридий, Маҳмуд Замашарий, Абул Муин Насафий, Ломийий ва бошқа юртимиздан етишиб чиққан алломалар ҳақида биринчилардан бўлиб ўзбек тилида илмий-маърифий рисоалар нашр этди. Табаркур заминимизда етишиб чиққан 70 нафар олимнинг ҳаёти, фаолияти ва илмий мероси ҳақидаги қимматли маълумотлар жамланган “Буюк юрт алломалари” китобини яратди. Уз илмий фаолияти давомида элликка яқин рисоалар чоп эттирди. Юзлаб китоб ва илмий рисоаларга муҳаррирлик қилди, тақризлар ёзди.

— Устозимиз умрининг охиригача Амир Теуру тарихини улғўлашга сарфлади, — деди Теурийлар тарихи Давлат музейи директори Хуршид Файзиев. — Теурушунос олимларга катта мерос қолдирди. Музейимизда у киши таъйёрлаган қўллаб маълумотлар бор.

— Марҳум устозимиз Убайдулла ака “динга хизмат қилмасизлар” деб бизларга бошқача меҳр билан муносабатда бўларди, — деди Ўзбекистон Мусулмонлари идораси Фахрийлар кенгаши раиси шайх Абдулазиз Мансур. — Илм, маърифат юки ҳақиқий олимни камтар қилиб қўяди. Убайдулла ака ниҳоятда камтарин инсон эди. Нури иймонлари ўзларига ҳамроҳ бўлсин, жаннатда ҳам бирга бўлишлик насиб этсин.

— 1958 йили Ўрта Осие университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети)нинг шарқшунослик факультетида ўқишни бирга бошлаганимиз, — деди академик Дилором Юсупова. — Ўн тўртинчи-ўн бешинчи аср манбаларини, катта алломалар ҳаёти ва фаолиятини чуқур ўрганган олим эди. Илмга ҳамма ҳам унингдек интила олмаиди. Оилавий борди-келдимиз туфайли айта оламани, у ажойиб оилапарвар инсон бўлган.

Ўзбекистон Илм цивилизацияси маркази бош илмий ходими, тарих фанлари доктори, профессор Зоҳидилла Мунавваров шундай хотирлади: “Араб тили билимдони Убайдулла Уватов билан элик йил устоз-шоғирд муносабатиде бўлганман. Едингизда бўлса, бир пайтлар Имом Бухорий бобомизни “Исмоил Бухорий” деб атардик. Бу хато эканини Убайдулла Уватов исботлаб, бобомиз номини ўзлимизга қайтарди. Соҳибқирон бобомизнинг портретини машҳур расом Малик Набиев айна Ибн Арабшоҳ асарининг Убайдулла Уватов таржима қилган китобидан фойдаланган ҳолда яратган.

Яхши инсонлар ёди улугланадиган файзли давранинг ҳарорати ҳам бошқача бўлади. Анжуман иштирокчиларининг сўзларини тинглар экансиз, Убайдулла Уватов кўз ўнгимизда намоён бўлди. Ундайин беназир олим би-

лан “Қишлоқ ҳаёти” газетасида ишлаган чоғларимда яқиндан танишган эдим. Бош муҳарриримиз Чори Латиповни йўқлаб, таҳририятга тез-тез келиб турардилар. Бирга-бирга тушликка, гоҳида кечки овқатга чиқардик. Оддийлиги, самимияти, камтаринлиги ва меҳмондўстлиги билан хотирамда қолган.

Тadbirkor иштирокчиларига тақдимию бўлаётган китоб совға қилинди. Таниқли олим Раҳмон Кўчкор масўл муҳаррирлик қилган Убайдулла Уватовнинг ҳамкасблари, дўстлари, шоғирдлари ва яқинлари томонидан ёзилган бир-бирини ибратли, янги маълумот ва илмларга бой хотираларни ўқийман. Муаллифларнинг аксарияти мамлакатта таниқли уламолар, давлат ва жамоат арбоблари, йирик олимлардир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Хайридин Султонов шундай ёзади: “Домланин инсонийлик ва педагогик фазилатлари ҳам барчага ибратли эди. У кишининг ҳаётида ўта камтарин ва одамхонлиги, самимий ва закийлиги мақомот ва даракотини хамиша юксалтириб келди. Ким билан сўрашса, нурилу юзида табассум, тилида болдек калом, қалбиде иззат-эҳтиром ва самимият балқиб турарди. Кўринишидан алдек қомати ва донишмандона қиёфаси салобат босар, аммо муомала маданияти билан кишини ўзига дарров жалб қиларди. Узаро суҳбатларда эса домланин шарқона ҳикмат тўла сўзлариға, мулоқот маданияти, исломий лутфу одобиға қойил қолардик”.

Шаксиз, ушбу китобни ўқиган ҳар бир закий кишининг кўнгли тўлади, қалбига маърифат нури қиради, тафаккури қониқади. Раҳмон Кўчкор таъкидлаганидек, Убайдулла Уватов хотирланган бу тўплаганин илмий, маърифий, маънавий даражаси яққол кўзга ташланадики, бунинг учун биз китобхоналар унда иштирок этган муаллифлардан ҳар қанча миннатдор бўлсак, арзийди.

Дилмурод ҚИРГИЗБОЕВ,  
Ўзбекистон Журналистлар уюмчаси аъзоси.

ТАҚДИМОТ

# МУЛОҚОТ ВА ДИЙДОР ЗАВҚИ

## Тахририят ижодкорларни самимий даврага чорлади

Баҳорнинг илк нафаси юртимиз бўйлаб таралаётган, гўзал байрамлар шуқуҳи давом этаётган паллада "Ishonch" va "Ishonch-Doverie" gazetalarini jamoasi ziёlilar, jurnalistlar, shoiru adiblار, kitobsevarlارни яна бир ижодий даврага чорлади. Улар Ўзбекистон Миллий матбуот марказида тахририят томонидан нашр этилган "Саққизинчи мўъжиза" китобининг тақдими сабаб йиғилган бўлсалар-да, учрашув бугунги кунимиз шуқронаси, дилдаги соҳага оид гаплар, бир сўз билан айтганда, ҳам дийдорлашув, ҳам самимий мулоқот майдонида айлиниб кетди.

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги бош директори, сенатор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси Абдусалом ҚўЧИМОВ тадбирни очар экан, аслида, китоб саққизинчи ёки тўққизинчи эмас, балки ҳаммиса биринчи мўъжиза бўлиб қолишини эътироф этди. — Дунёдаги барча қасиётлар бешиги, эзуликлар булоғи китобдир. Усиз на улуглик, на буюклик бўлмаслиги ҳаммага аён. Шу маънода тахририятнинг китобни улуглаш билан боғлиқ бу анъанаси ибратли ва намунали эканлигини таъкидлашни истардим, — деди у. — Бу китобни варақлаган одам нафақат газетанинг бир йиллик фаолиятини, балки материаллар орқали Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган катта ўзгаришларни бутун кўлами билан тасаввур қилади, улар билан танишади. Ватанимиздаги энг йирик ҳодисалардан тортиб олиш қишлоқларимизда содир бўлаётган янгиланишларни-да юракдан англайди. Энг муҳими, унда сўнги йилларда ўз сўзи, овози билан ўқувчиларни жалб этиб келаётган материаллар жамланган. Уларнинг ҳар бирида бошқа нашрларда учрамайдиган шакл ва ўзига хос услубни кўриш мумкин.



Эзувчи ва адабиётшунос Қозоқбой Йўлдош мулоҳазаларини баён этиб, китобдан ўрин олган айрим мақолаларга батафсил тўхталиб ўтди: — Газета эртага ўз долзарблигини йўқотиши мумкин. Аммо кўп ҳолларда уларнинг

орасида эртанги кунга ҳам, келажак учун асқатадиган материаллар учраб қолади. Тахририят 8 йилдан бери қизиқarli ва эскирмайдиган ана шундай мақолаларини китоб ҳолида нашр этиб келмоқда. Улар орасида, албатта, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси раиси, сенатор Қўдратилла Рафиқовнинг "Ала-мим бор", "Тарих синовларидан ўтган ҳақиқат" номли мақолалари эътиборни тортади. Улар аввало сиёсий жиҳатдан, қолаверса, бутун бир миллатнинг дунёқарашини намоён этишга ҳаракат қилгани билан янада аҳамиятли. Умуман, китобдан бугунги даврга, маиший ҳаётга, миллий ўзига хосликка муносабат акс этган мақолалар ўрин олган. Бош муҳаррир сўзбошида қайд этганидек, уларда танқид таҳлил билан уйғунлашган. Биз ташаббус ва тажриба учун жамоага ташаккур айтаемиз.



— Бугун биз китобларни жамиятга ошно қилиш учун ўқувчиларга ёрдам беришимиз керак, аслида, — деди у. — Кўпинча одам баъзи китобларни ўқигиси келмай қолади. Лекин шундай асарлар борки, уларни мутулақа қилмаслик мумкин эмас. Биз уларни тавсия қилишимиз, ҳеч бўлмаганда мундарижасини беришимиз, муаллифларини танитишимиз керак, деб уйлайман.

Мен "Саққизинчи мўъжиза" китобини шунчаки варақлаб чиқмадим. Очиги, бош кўтармасдан ўқидим. Бойси унда эътирофга арзирли материаллар кўп. Ишонманки, бу нашр ҳам биз, китобхонларга очик ўз билан тавсия этадиган, адабий дастурхонга меҳр билан тортилдиган азиз неъматлардан бўлиб қолади. Эзувчилар уюшмаси раиси ўринбосари, халқимизнинг севимли шоираси Фарида Афрўз тадбирнинг чин маънода аҳамиятига тўхталиб, қўйдаги фикрларни билдирди: — Бугунги китоб тақдими ҳаммамизга кўнглимиздаги гапларни айтиш, биз соғинган, жон қулоғимиз билан тинглашни истасан фикр-



ларни эшитиш имконини берди... Ўтган йили Белоруссияга борганимизда, бир вази: "Дунёда башарият қанча ихтиролар қилган бўлса-да, ҳали китоб даражасидаги янгиликни ярата олгани йўқ", деган эди. Ҳақиқатан ҳам, мўъжизалар биринчиси, саққизинчиси бўлсин, дунёни ҳайратга солган. Кўлимиздаги китоб ҳам бизга энг яхшиларини илғинади.

Ватани, миллатни зиёлилар севмаса, ким севади? Энгин тили, юзи, миллатнинг сўзи — бизмиз. Агар биз жим бўлсак, газеталар ҳеч ким ўқимайдиган мақолаларга тўлиб кетади, уларнинг адади ҳам пасаяди. Яхши мақолага ҳаммиса эҳтиёмимиз бор. Уларни излаб, бир-биримизга айтиб, суюнчилаб ўқиймиз. Бунга эҳтиёж катта. Мана, бугун ҳам китоб баҳонасида ҳар биримиз ухлаётган туйғуларимиз, истеъдодларимизни уйғотиб олдик, десак, муболага бўлмас.

Адабиётшунос, публицист, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ҳодими Зухриддин Исоидинов 384 бетлик китобни том маънодаги бир йиллик ҳаётимизнинг сарҳисоби бўлганини қайд этди:



— Яқинда бир газета топиб олдик. 1957-58 йилларда чоп этилган "Қирғизистон ҳақиқати" номли нашрнинг 3 йиллик тўплами эди. Мен уйлабман, "Ishonch" газетаси ҳам йиллар ўтиб, шундай кўзга суртиб ўқийдиган манбага айланади. Бугун газетдаги қайсибир маълумотга эътибор қилмагандиримиз, аммо вақт ўтиб, мана шу китоб ҳам биз учун кўп қимматли ахборотларни асраб беради. Муҳими, тахририятда сара нарсалар — сут бор, қаймоқ бор... Ижо-

дий жамоа шулардан сара материаллар тайёрлаб, бизга тақдим этаётганидан, улашаётганидан хурсандим. Газетанинг бундай хайрли ташаббуси бардавом бўлишига тилақдошимиз.

"Миллий тиклиниш" газетаси бош муҳаррири Миродил Абдурахмонов эса соҳадаги ўзгаришлар ва "Ishonch"нинг бу борадаги ўрни ҳақида сўз юритди: — Яқингача матбуотимизда "тармоқ газета-



лар" деган гап бор эди. 2-3 та газета марказий, қолганлари "тармоқ" ҳисобланарди. "Ishonch" бу сўзни луғатимиздан чиқариб ташлади. Италия конунчилигида ташаббус кўрсатмаганлик учун жиноий жавобгарлик бор. Бу қизиқ парадокс. Аммо бизда ҳали ҳам 80-йиллар руҳи билан яшаётган газеталар бор. Бир томондан газета ўқимайдиган раҳбарлар пайдо бўлиб, даврий нашрлар обрўсизлантирилган бўлса, бошқа тарафдан бунга ўзимиз ҳам сабабчимиз. Бошидан охиригача қопил жумлалар билан тўлган мақолалар ўқувчини қайтарди. "Ishonch"нинг бугун ана шу қолиплардан чиқиб, ҳар бир соҳани ноодатий ракурсларда ёритишга ҳаракат қилаётгани, албатта, таҳсинга лойиқ. Албатта, "Саққизинчи мўъжиза" китоби ҳам ана шундай ташаббусларнинг бир бўлаги эканидан хурсандим. Хайрли ва эзгу ишларда уларни қўллаб-қувватлаб, кенг имкониятлар яратиб бераётган муассисга ҳам алоҳида ташаккур айтаман.

Тақдиротда бошқа устоз журналистлар, жамоанинг кадрдон дўстлари ҳам илиқ фикрларни давом эттириб, даврага янада фойз улашиди. Табриқлар, қувончи онлар галдаги тадбирга улашиб кетди...

Йиғилганларнинг аксарияти Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерациясининг Тошкент шаҳар кенгаши қошидаги Шахматга ихтисослаштирилган спорт мактабида "Ishonch" газетасининг 35 йиллиги муносабати билан ижодкорлар ва журналистлар ўртасида ташкил этилган шахмат мусобақасида иштирокчилар сафидан жой ҳам олишди. Мусобақага спорт мактаби мураббийлари Анваржон Мирзаабдуллаев ва Баҳора Эгамбердиева ҳакамлик қилди.

Тезкор шахмат бўйича ўтказилган ўйин кескин курашлар остида кенди. Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар уни-



### МАЪЛУМОТ ҲУНИДА...

2026 йил 21 март кунини Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси муассислигидаги "Ishonch" газетаси чоп этила бошлаганига 35 йил тўлди. 1991 йил 21 март кунини нашрнинг илк сони чиққан бўлса, буёунга қадар 5 минг 250 дан ортиқ сони чоп этилди. Тахририятда ўзига хос тажриба мактаби яратилган. Жамоа замон билан бирга қадам ташлаб, конвергент тахририят сифатида ўзини намоён этишга интилимқода. Медиа марказда Ishonch.uz сайти ва унинг ижтимоий тармоқлардаги саҳифалари — "Telegram" канали, "Youtube" платформаси учун видеоконтентлар тайёрланиб, бу орқали газетда ёритилган мавзулар янада кенроқ ёйилишига ҳам эришилмоқда. Бугунги кунда "Telegram"да 100 минг, "Instagram"да 60 минг, "Youtube"да эса 50 мингдан ортиқ кузатувчисига бор. Видеоконтентлар орасида бир неча юз мингдан миллион-миллионгача қўрилган саҳифалар мавжуд. Медиа марказда тайёрланаётган кўрсатувлар эса марказий телеканалларда намойиш этиляпти. "Саққизинчи мўъжиза" китоби 2025 йилда газетда чоп этилган энг сара мақолалар жамланган тўплам бўлиб, унда муҳим воқеа-ҳодисалардан тортиб, жамиятни ўйлантирган муаммолар, уларга журналистларнинг ёндашуви, масъулларнинг бу чиқишларга қай даражада эътибор қаратаётганини кўришингиз мумкин.

верситети кафедра мудири, профессор Акбар Нурматов учинчи. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги муҳбири Санжар Тошпулатов иккинчи ўринни кўлга киритишти. Шоир Талантбек Примовга биринчи ўрин nasib этди.

Ғолиблар ва барча иштирокчиларга тахририятнинг диплом ҳамда эсдалик совгалари топширилди. Улар бу тадбир меҳр-оқибатининг бир кўриниши, асосий фаолияти ёзиб-чиқиш билан ўтаётганлар учун ақлий гимнастика эканини таъкидлашди.

Зокиржон А.ЛИБЕКОВ, журналист.

### "МЕДИА ҲАФТАЛИК":

## Йилнинг энг йирик медиа лойиҳаси старт олди

1-6. Дастур контент яратиш, матнли ва визуал форматлар ҳамда жанрларнинг қўлланиши, ахборот хавфсизлиги, стратегик коммуникация, медиа менежмент, "SMM" ҳамда сунъий интеллектдан фойдаланиш каби қўллаб муҳим мавзуларни қамраб олади. Тренинг ва маҳорат дарслари давомида иштирокчилар нафақат назарий билимларни, балки реал кейслар асосида ишлаш, хатоларни таҳлил қилиш, янги ёндашувларни шакллантириш имкониятига эга бўлади. Тадбирда илгор экспертлар, амалиётчи журналистлар, муҳаррирлар, продюсерлар ҳамда мутахассислар спикер сифатида қатнашмоқда. Улар ўз тажрибаларини билан ўртоқлашиб, замонавий медиа ривожининг устувор йўналишлари бўйича тавсиялар беради. "Медиа ҳафталик"нинг муҳим жиҳати — иштирокчиларга алоҳида эътибор қаратилгани билан ажралиб туради. Тадбир давомида унлаб интервюлар, очик мулоқотлар ва фикр алмашинувлари ташкил этилиб, иштирокчиларнинг ўзлари медиа соҳасидаги муаммолар, қутилаётган натижалар ва эришилган ютуқлар ҳақида фикр билдиради. Бу эса лойиҳа самардорлигини янада ошириб, реал натижаларни намоён этишга хизмат қилади.

## НАВОЙЛИК ЖУРНАЛИСТЛАР ИМОМ БУХОРИЙ МАЖМУАСИДА



Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси ташаббуси билан Навоий вилояти ҳокимлиги ҳамда Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси вилоят бўлими ҳамкорлигида бир гуруҳ навоийлик ОАВ вакиллари иштирокида "Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!" лойиҳаси доирасида Имом Бухорий мажмуасига пресс-тур ташкил этилди.

Сўнги йилларда юртимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар доирасида тарихий меросни асраш, уни замонавий талаблар асосида ривожлантириш ҳамда зиёрат туризмни юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Пресс-тур иштирокчилари буюк муҳаддис, ҳадис илмининг султони Имом Бухорий ҳазратларининг мақбарасини зиёрат қилдилар. Бу муқаддас маскан нафақат диний, балки улкан маънавий аҳамиятга эга экани билан алоҳида эътиборга молик.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қайта бунёд этилган мажмуада зиёратчилар учун барча қўлайликлар муҳайё қилинган. Пресс-тур давомида иштирокчилар мажмуа ҳудудида барпо этилган замонавий ва бетақдор меъморий иншоотлар билан танишдилар. Ушбу мажмуа 45 гектар майдонни эгаллаб, 10 минг кишига мулкжалланган улкан масжид, маъмурий бинолар ва 154 устунли миллий услубдаги айвондан иборат.

Илгари бир кунда 12 минг нафар зиёратчини қабул қилган мажмуа бугунги кунда 65 минг нафаргача зиёратчига хизмат кўрсатиш имкониятига эга.

— Шу йил 19 март кунини Президентимиз Шавкат Мирзиёев Рамазон ҳайити арафасида ушбу мажмуага ташриф буюриб, амалга оширилган бунёдкорлик ишларини юқори баҳолаган эди, — деди Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Навоий вилояти бўлими раиси Отабек Аслонов. — Давлатимиз раҳбари ўз нутқида Имом Бухорий ҳазратларининг ислом оламида тутган ўрнини алоҳида таъкидлаб, бу маскан бутун мусулмонлар учун маърифат ва эзулик манбаи бўлиб хизмат қилишини қайд этди. Бугун биз мажмуага келиб, бунинг гувоҳи бўлдик. Мажмуа таркибидаги инновацион музей пресс-тур иштирокчилари — ҳамкасбларимизда катта таассурот қолдирди. Илгор ахборот технологиялари асосида ташкил этилган 9 та павильондан иборат музейда Имом Бухорий ҳазратларининг ҳаёти, илмий ва маънавий мероси, нодир асарлар ҳамда тарихий экспонатлар кенг ёритилганлиги бизни ҳайратга қолдирди.

Пресс-тур доирасида ОАВ вакиллари мажмуага саёҳат қилиши давомида қимматли маълумотларга эга бўлдилар.

## УСТОЗ ЖУРНАЛИСТ ХОНАДОНИДА

Матбуот шундай сеҳрли оламки, унга бир бор қадам қўйган инсоннинг бутун ҳаёти қоғоз ва қалам, ҳақиқат ва масъулият билан йўғрилиб кетади. Бугун сочларига "қор қилган" бўлса-да, нигоҳларида ижод учкунини порлаб турган фахрийларни йўқлаш уюшманинг доимий анъанаси ҳисобланади.



Яқинда Уюшманинг Наманган вилояти бўлими мазкур эзгу анъанани давом эттириб, Уюшма вилоят бўлими жамоатчилик кенгаши раиси Жаҳонгир Тўхтасинов ҳамда меҳнат фахрийси Абдужаббор Набиев Норин туманининг олис ва фойзли Тегиримоншои маҳалласида истиқомат қилаётган вилоятнинг энг кекса журналисти, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ҳодими Абдумалик ота Тошбеков хонадонда бўлдилар.

1933 йилда деҳқон оиласида туғилган Абдумалик Тошбеков соҳадаги фаолиятини 1952 йилда туман газетаси — "Пахтачи" нашрида мусахҳиқликдан бошлаган. 1960 йилларда ТошДУ (ҳозирги ЎзМУ)нинг журналистика бўлимида таҳсил олиб, соҳанинг сир-асрорларини мукамал эгаллади.

Кейинчалик Учқўрғон ва Норин туманлари газеталарида узоқ йиллар бош муҳаррир сифатида фаолият юритди. Бугун жавонлардан жой олган "Талабалик сурури" ва "Нориндек жўшқиндир аҳли қаламқаш" китоблари устознинг сермахсул ижодидан нишонча бўлиб, ёш қаламкашлар учун маҳорат дарслиги бўлиб хизмат қилмоқда.

Сўхбат давомида Абдумалик ота бугунги шиддатли матбуот жараёнларини ҳамон диққат билан кузатиб боришини таъкидлади. Устоз "Норин овози" газетасининг бугунги ижодкорлари, хусусан, Сабоҳат Ҳожибоева, Равшанбек Мирзаолимов, Шаҳло Тошбекова, Гулчехра Бувамирзаева ва бошқа шогирдларнинг ютуқларини қувонишини, уларнинг ижодига қаттиқ ишонч билан қарашини меҳр билан тилга олди.

— Инсон қадрини азиз бўлган юртда яшайлик. Президентимиздан, вилоят ва туман раҳбарларидан миннатдорман. Биздек кексаларни унутмай, йўқлаб келганингиз учун раҳмат, — деди Абдумалик Тошбеков дуога кўл очиб.

## ЯНГИ КИТОБ ТАҚДИМОТИ

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси, маҳоратли устоз журналист, захматқаш тадқиқотчи Абдулла Холмирзаевнинг умрини бахшида этаётган илмий изланишлари Сурхон тарихининг қўллаб сирли қирраларини кашф этгани аини ҳақиқат.



Яқинда пойтахтимиздаги "Адабиёт" нашриётида 1000 нусхада чоп этилган "Сайланма" муаллифнинг ижодидан ўзига хос тўхфа сифатида китобхонларга тақдим этилди.

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Сурхондаги вилоят бўлими томонидан ҳамкор ташкилотлар билан бир-галиқда Термиз шаҳридаги Матбуот уйда ушбу китоб тақдими бўлиб ўтди.

Тадбирда Уюшманинг вилоят бўлими раҳбари Чори Жумақуллов воҳа тарихига оид нодир манба сифатида муҳим аҳамиятга эга ушбу тўплам ҳақида сўз юритиб, муаллифни ушбу китоб билан қутлади. Шунингдек, Менгнор Олломурад, Нарзулла Сўфиев, Норқувват Тўраев, Жуманазар Аноров, Сарвар Тўраев, Нормат Йўлдошев ва бошқа қўллаб журналистлар, шоиру ёзувчилар, тадқиқотчи олимлар моҳир публицист Абдулла Холмирзаевнинг илмий изланишлари самараси ҳақида гапириб, янги китоби билан табриқлашди.

— Мазкур "Сайланма"да умр мазмунини тарихдан, адабиётдан ва ижоддан завқ олиш деб биладиган 80 ёшли серқирра журналист, бир қатор экспедициялар ташкилотчиси Абдулла Холмирзаевнинг энг сара эланишлари, ижод маҳсуллари жамланган. Теран тафаккур эгадан ўтказилган адабий мақола, эссе ҳамда тадқиқотларини ўқиш мобайнида китобхон воҳанинг Кампиртепа, Тешиктош, Зарзартуй, Жарқўрғон минораси каби қадимий ёдгорлигу обидаларга тарихчи олимлар билан ҳамкадам бўлиб биргалиқда кириб боради, юртимиз тарихини қайта ёдга олади. Шу боисдан ушбу ноёб тўхфа барчага манзур бўлиши шубҳасиз, — деди фахрий журналист Норқувват Тўраев.

Тақдирот давомида йиғилганларнинг ушбу тўплам ҳақидаги қимматли мулоҳазалари кўнглиларни тоғдек кўтарган бўлса, нафис мушоира, ўқилган шеърлар қалбларини мавжлантирди.

Матбуот ва адабиёт байрамига айланган мазкур тадбир сўнида муаллиф иштирокчиларга ўз дастхати туширилган янги китобидан улашди.

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Ахборот хизмати.

САНЪАТ

# “ЧЕЧА” МЕНИ ЭЛГА ТАНИТДИ



“Ўзбекистон чечаси” дейилганда, кўз олдимиэга “Меҳнат шўхрати” ордени соҳибаси, Ўзбекистон халқ артисти, истеъдодли актриса Азиза Бегматова гавадланади. Умрининг олтимиш йиллиги театр ва кино санъатига бағишлаган устоз санъаткор Азиза Бегматова ҳамон ўз ижодий фаолиятини давом эттириб келмоқда.

Азиза Бегматова миллий сахна маданияти ривожига катта ҳисса қўшган актрисалардан биридир. У 1943 йил 7 сентябрда Сурхондарё вилоятида дунёга келган. Актрисанинг болалиги уруш йилларига тўғри келиб, тақдир тақозосига кўра, болалар уйда тарбияланди. Мактабни тамомлагач, у санъатга қизиқиши сабабли, Тошкент театр ва рассомлик санъати институтида таҳсил олди. Бўлуғуси актриса бу ерда ўзбек театр ва кино санъатига оид билим, малакасини ошириб, ўз келажига учун муштакам пайдвор яратди. У ижро этган ва гавадалантираётган образлар қанча? Ҳар бири таъсири, эсда қоларли, томошабинга “нимадир” беради, эстетик заъқ уйғотади. Аслида, актёрнинг роль яратишидан қўланган максасди ҳам шу: ҳар бир образ томошабинни “уйғотсин”, ўзини тафтиш қилишга ўргатсин!

— Кино ва театр санъатида юздан ортқ бетакрор ролларни ижро этгансиз. Лекин сизни битта нуқтада умумлаштириб турган ягона образ бор — сиз ўзбекининг чечасисиз. “Чеча” спектаклидаги бу тисмонли ўзини-ғизда муҷассамлаштириш осон кечмагандир?

— Чеча — ўзбек халқи ҳаётида бор бўлган, яшаб келатган аёл. Унинг “янга”, “келинкой” деган муқобил аталари ҳам бор. Тўғриси, бу атама кейинги пайтларда биров истемолдан чиқиб кетмоқда. Бу образни гавадантиришдан қўланган мақсад “чеча” сўзининг нутқимиздаги ўрнини катташдан иборат ҳам бўлди, тўғриси. “Чеча” менга жуда катта обрў-эътибор келтирди, шунинг орқасидан муҳлислар эътиборига тушдим, элга танилдим. Нафақат Ўзбекистонда, балки Қирғизистон, Тожикистон, Қозғистон гастроль сафарларида ҳам мени “Чеча” деб кутиб олишади. Баъзилар ҳақиқий исминини ҳам билишмай, “Чеча” деб чақирашади. Халқ сenga қайсиدير образинг орқали ҳурмат-эътибор билан қараётгани, бу сенинг санъатдаги энг катта маънавий бойлигинг бўлиб қолар экан. Ҳатто сахнада роль ўйнаётсам, томошабиннинг “Вой, ана, Чеча чиқди!” деган гапи қўлоғимга қалинади. Бу қандай бахт, қандай шараф! Актёрнинг машҳур роли билан эътироф эттиш — энг катта муқофот!

Театр репертуарида “Чеча” спектакли бўлмаса ҳам, тадбирларда фақат шу образга хос хатти-ҳаракатларни ижро этиб бераман. Актёр Жумадилла Рамаев Бетоб бўлиб қолган, бу спектакль сахнага қўйилмапти. Очиғи, спектакль тез-тез намойиш этилса, яхши бўларди. Чунки “Чеча” бошдан-оёқ миллий қадриятларни эсга соллади, аҳамиятини оширади, демек, тарбиявий руҳи бўлган спектакллар сахнадан тушиб қолмаслиги керак! Баъзилар спектакль русийсазобон режиссёр Баҳодир Йўлдошев томонидан сахналаштирилган, деб гўёки нуқсон топгандек бўлади. Улар аслида рустабиятрок бўлса ҳам, сахналаштирган ҳар бир асарда миллийликни устун кўяди.

— Инсон ўз ҳаёт йўли, касбий фаолияти жамият ҳаётида из қолдириши мүмкинлигини англаб яшаши аслида буюк бир ҳикмат. Санъатда ўз йўлингиз борлигини қачон англагансиз?

— Мен Ўзбекистон давлат драма театрида 1966 йилдан буюн фаолият юритиб келаман. Уша пайтда театр ва рассомлик институти деб аталган олий таълим даргоҳининг муқсабли драма бўлимини тамомлаганман. Беш йил давоминда иқтидорли, талабчан устозлар қўлида таҳсил олдим. Айниқса, устозим Тошхўжа Ҳўжаевнинг менга нисбатан эътибори, меҳрибонлиги ҳали-ҳануз ёдимда. Улар мени худди ўз қизидек кўрар, санъатнинг нақада буюк ва масъулиятли соҳа эканини уқтирар эдилар. Беш йил ичида қанча-қанча синовлардан тобландим, касбининг сир-тидан “чиғди” кирдим. Диплом спектаклида роль ижро этганман, йиғланганман, қўланман, нафратланганман, ус-

тозларим кўзида ёш ҳам кўрганман. Демак, яхши ўйнабман-да. Улар биз талабаларга доимо шуни уқтиришарди: ҳалол ишланг, меҳнатдан қочманг! Агар қайсиدير ўринда хато қилсам, институтга бормас эдим, уялган бўлсам керак-да. Бу панд-насихатлар умрбод қўлоғимиз тагида қолди ва устозлар ишончини оқлашимиз керак, деган таъмоил билан яшаб, ижод қилиб келяпмиз. Аллоҳ кам қилгани йўқ!

Институти битиргач, устозим мени Ҳамза номидаги академик драма театрига ишга тақлиф қилиб, “Қўлимда ишлайсан”, дедилар. Аммо шахсий ҳаётимдаги баъзи сабабларга кўра, у ерда қолмадим. Ёш томошабинлар театрида бир йилча ишладим. Кўп ўтмай, янги “Ёш гвардия” театри ташкил этиладиган бўлди. Бир гуруҳ ижодкорлар — Ширин Азизова, Тўғон Режаметов, Исмамет Эргашев, Эргаш Масофевлар билан бирга шу театрни очиб жараёнига жалб этилдим. Брошюра тарқатдик, ёшларни чорладик, репертуарни шакллантириш ҳақида ўйладик, хуллас, театрга тамал тошини қўйдик.

— Азиза Бегматованинг эл севган артист деган номга сазовор бўлиши ортида қанчадан-қанча меҳнат ётади. Ҳаётда ўзингиз айтиб ўтганингиздек, кўп қийинчилик кўргансиз, тоблангансиз. Ҳар бир машаққат ортида роҳат бор, деганларидек, халқнинг эътиборига, эътирофига эришдингиз.

— Халқ севган артист бўлиши санъаткор учун улкан бахт, катта марра! Ҳа, ҳаётим силлиқ, осон кечмади. Турли раҳбарлар билан ишлаб, мурасаи мадора қилишимга тўғри келди. Бири эски актёрларни четлатишга уринса, яна бири театр санъатига тўғри келмайдиган талабларни қўйиб, асабга теғди. Тишимизни тишимизга қўйдик, сабр қилдик. Бир йили янги тайинланган директор катта ёшли актёрларни театрдан четлаштириб, ҳали малакаси шаклланмаган ёш кадрларни ишга олмақчи бўлди. Умиримда илк бор ўзимда жасорат топиб, раҳбар хонасига кирдим. “Театрдан мен кетмайман, сен кетасан”, дедман-да кўрқмасдан. “Сабаби — бу театрининг илк актёрлариданман. Ёшлигим шу даргоҳда ўтди, бор куч-қувватимни театр санъати учун сарфладим. Уйим йўқ, театрд айтиб ижод қилдим, бу масканни тарк эттолмайман” дедим.

Ҳақиқатан ҳам, ўша вақтда бошланган йўқ эди. Давлат томонидан берилган уй менга насиб этмаган. Икки ярим ёшимда болалар уйига қабул қилинганман. Ҳаётда ўзимни ўзим оёққа туряганимни айтсам, кўпчилик ишонмайди. Талабалик кезларимда олдимга қўйган мақсадим шу эди: тўғри йўлдан юраман, меҳнат қилман, ҳеч кимдан ёрдам сўрамайман. Аллоҳга шўкр, танлаган ҳаётий шиорим менга обрў-эътибор келтирди. Театримни бутун вужудим билан севаман, ҳар тонг шу гўшага интиламан! Ҳамини унинг ташкилотчиларидан бири, деб биламан. “Сен бу ердан кетма, бу сенинг театринг”, деган ички бир овоз аксадо бериб туради.

— Армонингиз борми?


— Ҳа, бор, “ота-она” деган сўзни айтмаганим. Онамни “энақон” деб қақира олмадим. Она меҳрига зор бўлиб воёга етдим. Ота-она далдасига эҳтиёж сездим! Кимга суянишни билмадим! Болалигимни баъзан эслашга кўркаман. Фақат биргина юланч мени ушлаб туради — халқим мени ардоқлапти! Шунинг ўзи мен учун бахт эмасми? “Меҳр” бу шунчаки сўз эмас, у инсон қалбининг энг нозик ва энг пок тўғриси. Уни сўзсиз ҳам англаш мүмкин, кўзда акс этади, амалда намён! Меҳр борми, қалб яқинлашади, дунё кенг ва ёруроқ туюлади. У инсонга рағбат беради, суянчиқ бўлади, қоронғилик узра умид шуъласини ёқади. Биз санъат аҳли меҳр тўғриси қадраймиз, ролларимизда тарғиб-ташвиқ этамиз! Бу тўғру абадий яшасин! Барчаннинг қалбига ниш урсин! Дунё узра меҳр-муҳаббат тантана қилсин!

— Сизни таниганлар у жуда самимий, камтарин аёл, деб таърифлашади. Баъзида шу самимийлик сизга панд бериб қўймаганими?

— Камтарлик, самимийлик — доимий шиорим! Ҳеч қачон бу фазилатларнинг менга зарари тегмаган. Бу фоний дунёда ҳамма нарса ўткинчи, лекин инсоний хислатлар боқий! Оддий бўлиб яшадим! Муҳлислар машҳур санъат-

ШАРҲ

## ТРАМПНИНГ НАТО ИТТИФОҚЧИЛАРИГА ТАҲДИДИ



Трам, агар НАТОга аъзо мамлакатлар мудофаа харажатларини ЯИМнинг 5 фоизига етказмаса, уларни қарор қабул қилишда овоз бериш ҳуқуқидан маҳрум қилмоқчи. Оқ уй раҳбари АҚШнинг Европадаги иттифоқчилари Ҳўрмуз бўғозини қамалдан чиқариш учун ҳарбий кемалар юборишдан бош тортганидан сўнг шундай қарорга келган.

“Европаликлардан кўнгли қилиши ва норозилигимиз жуда аниқ. 5 фоиз ажратмаган давлат НАТО-нинг келажакдаги харажатлари бўйича қарор қабул қилишда овоз бериш ҳуқуқига эга бўлмаслиги керак”.

Бундай ҳуқуқдан маҳрум қилиш Альянсининг кенгайиши, қўшма миссиялар ўтказиш ва Шимолий Атлантика шартномасининг жамоавий мудофаа ҳақидаги 5-моддасини қўллаш каби масалаларга тегишли.

“Биз Испания ва Буюк Британиянинг амаллари қабул қилиб бўлмас эканлигини тушунтиришимиз керак”.

2025 йилда Британия мудофаага ЯИМнинг 2,33 фоизини сарфлаган, бу Руминия, Болгария, Шимолий Македония кўрсаткичларидан озгина юқори.

Президентга яқин манбаларнинг хабар беришича, у Америка қўшинларини Германиядан олиб чиқиб кетиши ҳам ўйламоқда.

Ҳозирги босқичда НАТОнинг барча аъзо давлатлари мудофаа учун ЯИМнинг камда 2 фоизини сарфламоқда. Бу мақсадли кўрсаткичи Трамп ўтган йилдан бери талаб қилиб келади.

НАТО Бош қотиби Рутте Альянс 7-8 июль қўнлари Анқарада бўлиб ўтадиган саммитда 5 фоиз масаласи жиддий кўриб чиқилишини айтди.

Шимолий Атлантика альянсига қарорлар яқдиллик-консенсус асосида қабул қилинади. НАТО иттифоқчилари катта эҳтимол билан Трамнинг тақлифи бўйича ҳар қандай ўзгаришларни блоклайди, бу эса у билан янги тўқнашувга олиб келади, деб фараз қилади таҳлилчилар.

Оқ уй раҳбари Яқин Шарқдаги урушда ЕИ ва Буюк Британия томонидан қўллаб-қувватлов йўқлиги сабабли бир муддат аввал АҚШни Альянсдан бутунлай олиб чиқиб кетиш билан таҳдид қилган эди.

Трамнинг Британия бош вазири Стармер билан муносабатлари Ҳинд океанидаги Диего-Гарсия ҳарбий базасидан туриб, Эрондаги ракета омборларига зарба беришни таққиллағач, ёмонлашган.

Март ойи ўрталарида Трамп Британия, Франция, Хитой, Япония, Жанубий Корея ва бошқа давлатларни Ҳўрмуз бўғозини очишда АҚШга ёрдам беришга чақирган эди. Аксарият давлатлар флот юборишга қарши чиққан эди.

Германия “Бу бизнинг уруш эмас, уни биз бошламаганим”, дея “бунинг учун на БМТ, на ЕИ ва на НАТО мандати борлиги”ни таъкидлаган.

Мақрон ҳам Франция АҚШ-Исроил томонидан бошланган Эрон урушини танламагани ва Ҳўрмуз бўғозини химоя қилиш операциясида қатнашмаслигини айтган эди...

Аброр ХОН.

ХОРИЖ

### САРАТОН КАСАЛЛИГИ ОРТИДАГИ ХАВФ

Яқин йилларда саратон касаллиги ўлим кўрсаткичи бўйича юрак-қон томир касалликларини ортда қолдиради. Бу ҳақда тиббиёт фанлари доктори, жарроҳ, Халқаро саратонга қарши кураш иттифоқи директорлар кенгаши аъзоси Майра Калеффи “РИА Новости”га маълум қилди.

Унинг айтишича, Лотин Америкаси мамлакатлари профилактика, диагностика ва даволашга етарлича сармоя киритмапти. Энг яхши натижаларга эга мамлакатлар, одатда, саратонни даволашнинг тизимлаштирилган тузилмасига, ташкиллаштирилган дастурларга ва кўпроқ ихтисослашган марказ ҳамда ишқуналарга эга. Калеффининг фикрича, бу ўлим даражасини сезиларли даражада камайтиради.




“Яқин ўн йилликларда саратон диагностикаси ва тегишли даволанишдан тенг фойдаланиш имконияти асосий муаммолардан бирига айланади. Шу сабабли профилактика стратегиялари ўта зарур бўлиб, улар ушбу прогнозларга сезиларли таъсир кўрсатиши мүмкин”, деди мутахассис.

### АҚШ ЭРОНДАН 453 КИЛОГРАММ УРАНИ ОЛИБ ЧИҚМОҚЧИ

АҚШ президенти Дональд Трамп Эрондан 453 килограмм урани олиб чиқиш бўйича ўта мураккаб ва хатарли ҳарбий операция ўтказиш имкониятини кўриб чиқмоқда. Бу ҳақда АҚШ ҳукуматидаги манбаларга таяниб, “The Wall Street Journal” хабар берди.

АҚШ расмийларининг билдиришича, мазкур миссия Америка ҳарбий кучларининг бир неча кун ёки ҳафта давомида Эрон ҳудудида бўлишини талаб этади. Трамп ҳозирча уқуний қарорни қабул қилмаган ва ўз аскарларининг ҳаёти учун хавфни баҳоламоқда. Бироқ у “Эроннинг ядровий қуролга эга бўлишига йўл қўймастан максасида” ушбу воғга нисбатан ижобий фикрда.



“Эрон АҚШ талабларини бажариши керак, акс ҳолда, мамлакат деган нарса қолмайди. Улар бизга ядровий чангни (уран назарда тутилмоқда) барибир беради”, деди Трамп 29 март оқшомда журналистлар билан суҳбатда.

Оқ уй матбуот қотиби Керолайн Левиттнинг таъкидлашича, Пентагоннинг вазираси олий бош қўмондонга барча вариантларни тақдим этишди, аммо бу қарор қабул қилинганни аналитикалар.

2025 йилнинг июнь ойида Исроил ва АҚШ томонидан амалга оширилган авиазарбаларга қадар Эрон ихтиёрида 400 килограммдан ортқ 60 фоизлик юқори бойитилган уран, 200 килограммга яқин 20 фоизлик ядровий материал бўлгани тахмин қилинади.

### ҚУВАЙТ НЕФТЬ ТАНКЕРИГА ҲУЖУМ

Жорий йилнинг 31 март кунига ўтар кечаси Буюк Британия Ҳарбий-денгиз кучлари ҳузуридаги Денгиз савдо ташувларини мувофиқлаштириш маркази (“УКМТО”) ўз сайтида маълум қилишича, БАА соҳиллари яқинида, Дубайдан тахминан 57 километр узоқликда номаълум снаряд танкерга тегиши оқибаотида ёнгин чиққан. Қувайт давлат ахборот агентлиги “KUNA” маълумотига кўра, гап “Al-Salmi” номли Қувайт танкери ҳақида кетмоқда.

Қувайтнинг “KUNA” агентлиги аниқлик киритишича, Эрон томонидан уюштирилган ҳужум вақтида кема “тўлиқ юкланган” ҳолда лангарда турган. Кеманинг максимал сизими қарийб 320 минг тонна нефтни ташкил этади. Агентлик, шунингдек, “бевоқиф ва қасддан қилинган” ҳужум кема корпусига шикаст етказгани ва “нефть тўқилиб кетиши хавфини юзага келтирган”ни қўшимча қилган.



### АҚШ ҲАРБИЙ САМОЛЁТЛАРИ УЧУН ҲАВО ҲУДУДИ ЁПИЛДИ

Испания Эронга қарши зарбаларда иштирок этаётган Америка Қўшма Штатлари ҳарбий самолётлари учун ўз ҳаво ҳудудини расман ёпибди.

Испания мудофаа вазири Маргарита Роблес 30 март кунни бу қарорни тасдиқлаб, Мадрид ўз ҳарбий базалари ёки ҳаво ҳудудидан Эрондаги можаро билан боғлиқ ҳар қандай ҳаракатлар учун фойдаланишга руҳсат бермаслигини маълум қилди. Бу ҳақда “Dw.com” хабар берди.



Иқтисодиёт вазири Карлос Куерпо ушбу чора Испания ҳукуматининг бир томонлама ва халқаро ҳуқуқни бузган ҳолда бошланган урушда қатнашмаслиги мажбуриятига мос келишини тушунтирди. Таққик Американинг қирувчи ва ёқилли қуювчи самолётларига Испания жанубидаги Рота ва Морон-де-ла-Фронтера базаларидан фойдаланишга тўсқинлик қилади.

### ФАҚАТ 13 ТА МАМЛАКАТДАГИНА ТОЗА ҲАВО БОР

Ҳаво сифати бутун дунё бўйлаб ёмонлашмоқда. 2025 йилда атиги 10 дан ортқ мамлакат ва ҳудудда ҳаво сифати кўрсаткичлари хавфсиз меъёрлар доирасида сақланиб қолди.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) саломатлик учун хавфли бўлган майда чанг зарралари — PM<sub>2.5</sub> бўйича йўл қўйилиши мүмкин бўлган меъёрларни белгилади. Бу зарралар ўпкага чукур кириб бориши ва қонга ўтиши мүмкинлиги жиҳатидан хавфлидир.



ЖССТ белгилган PM<sub>2.5</sub> бўйича меъёр — бир куб метр ҳавода 5 микрограмм (мкг/м<sup>3</sup>). Фақат 13 та мамлакат ва ҳудуд ушбу меъёр талабларига жавоб беради. Улар орасида Европа мамлакатлари учтагина: Андорра, Эстония ва Исландия. Шунингдек, ҳавоси хавфсиз деб топилган мамлакат ва ҳудудлар қаторидан Австралия, Барбадос, Бермуд ороллари, Француз Полинезияси, Гренада, Янги Каледония, Панама, Пуэрто-Рико, Реюньон ва АҚШнинг Виржиния ороллари ҳам ўрин олган.

Интернет хабарлари асосида Мухаммадсодик ТўРАЕВ тайёрлади.

✓ **ФАОЛИЯТ**

# ИЛМ — ДУНЁНИНГ ИЗЗАТИ

ёки Урганч давлат педагогика институтининг таълим-тарбияга эътибори хусусида

Бир йиллик режанг бўлса — уруғ экинлик бошла, ўн йиллик режанг бўлса — дарахт экишдан бошла. Аммо юз йиллик режанг бўлса — миллат фарзандларига таълим бер.

## КОНФУЦИЙ

Таълимга қаратилган эътибор — бу жамият, давлат ёки шахс томонидан таълим тизимини ривожлантириш, унинг сифатини ошириш, имкониятларини кенгайтириш ва ҳар бир фуқаро учун таълимга тенг шaroит яратишга қаратилган ҳаракатлар мажмуаси демакдир. Бугунги кунга келиб, келажакимиз эртаси бўлган ёшлар тарбияси, таълим олиши ва уларнинг маънан етук инсон бўлиб шаклланиши учун Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан ёшларга яратиб берилаётган шарт-шaroит ва кенг очилаётган муваффақият эшикларининг сон-саногини йўқ, десак, муболаға қилмаган бўламиз.

Таълимга қаратилган эътибор — миллат тамаддуни демак. Шу боис бугунги кунда таълим-тарбияга берилаётган эътибор жуда кучли. Фикримиз исботи сифатида давлатимиз мустақиллигининг олдинги ва кейинги йиллардаги соҳага оид ислохотлар, қарашлар, ривожланиш натижаларини таҳлил қиламиз.

Таълим соҳасида ўқитувчи ва педагоглар, малакали кадрларни тайёрлаш дастурлари янгидан ишлаб чиқилди. Мустақилликдан олдинги йиллар ва бугунги кунни солиштирилади-

ган бўлсак, статистикада ҳам, амалиётда ҳам илдамланиш ва юқорига силжиш анча юксак. Маданият, таълим-тарбия, илм-маърифат, маънавият инсонни камолотга етакловчи, унга нажот бағишловчи, куч берувчи, руҳига роҳат бағишловчи буюк бир неъмат экани бугунги тезкор, шиддатли ва рақамлаштирилган илғор дунёда янада яққолроқ намоён бўлишини кўришимиз мумкин.

Ўзбек халқининг буюк маърифатпарвар олим, педагог, ёзувчи, шоир, драматург ва жамоат арбоби Абдулла Авлоний таъкидлаганларидек: "Илм дунёнинг иззати. Илм инсон учун гоят олий ва муқаддас бир фазилатдир. Зероки, илм бизга ўз аҳволимизни, ҳаракатимизни ойна каби кўрсатар. Зехнимизни, фикримизни қилич каби ўткир қилур". Дарҳақиқат, зехн ўткир бўлиши учун илк ёшдан руҳ тарбияланмоғи, илм берилмоғи, маънавият нури ила сугорилмоғи даркор. Албатта, бунинг учун устоз ва мураббийлар, бир сўз билан айтганда, малакали ва салоҳиятли педагогларни кўпайтиришимиз ва уларга зарур шaroитни яратиб беришимиз энг олий масалалардан биридир. Вазифамиз: келажакимиз эртаси бўлиши илмли, зукко ва жасур ёшларни тарбиялаш бўлса, буни бугундан, ҳозирдан, мактаб ёки таълим масканларидан эмас, оиладан бошламоғимиз керак. Биламизки, шарқ менталитетида оила — муқаддас даргоҳ, тарбия ўчоғи каби сўзлар билан тилга олинади. Дарҳақиқат, "Кўш уясида қурганини қилади", "Ота-она сурат бўлса, фарзанд уларга кўзгудир" каби иборалар ҳам бежизга айтилмаган. Оиладаги муҳит, оиладаги тарбия бевосита ривожланиш ва таълимга бошлангич пойдевор вазифасини ўтади. Тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатадики, бола ривожланиш босқичлари, яъни эмбрионлик босқичиданоқ сезади ва шаклланиб

борар экан. Уруғ ҳам униб чиқмасдан олдин тиним даврини ўтади. Унинг келажакда юксак, сояванд бир дарахт бўлиб етишишида боғбон парваришининг аҳамияти жуда катта.

Мактабга таълим соҳаси асосчиси Ф.Ф.ребел педагогларни — "боғбон", таълим олувчиларни эса — "Аллоҳ экинлари" дея бежизга номламаган экан.

"Жаҳолатни йўқотишининг ягона йўли таълимдир. Агар миллат маърифатсиз қолса, келажакдан умид йўқ", деган эди ўзбек жадидчилик ҳаракатининг асосчиларидан бири, миллий уйғониш гоёларини тартиб қилган, халқни илм-маърифат, миллий ўзлик ва тараққиёт сари етаклаган маърифатпарвар муаллим Муннавварқори Абдурашидхонов. Зеро, биз ал-Беруний, Хоразмий, Форобий, Замаҳшарий сингари санаса айтиб адо бўлмас олим-у даҳолар авлодларимиз. Уларга муносиб авлод бўлмоқ бизга ҳам фарз, ҳам қарзидир. Ёшлар тарбиясида, оилада, ёшларга илму сабоқ беришда уларнинг ўғитларидан қанчалик кўп фойдалансак ҳам ўринли ҳисобланади.

Ривожланган мамлакатлар таълим тизими асосида ўқитиш, дунёнинг топ университетлари қаторида тахсил олиш, рақамли технология ва гаджетлар билан ишлаш малакалари бугунги замон ёшлари учун ҳақиқат. Эндиликда улар бир замонлардаги каби тақиқлар остида эмас. Хотин-қизларга паст назар билан қараш, уларга ҳар хил чекловлар қўйиш ҳам йўқ. Мамлакатимизда гендер тенглиги, айниқса, хотин-қизларимиз учун, уларнинг жамиятда олий мақомларни эгаллаши учун шaroитлар етарли. Олий таълимда маънавият босқичида хотин-қизлар учун грант квоталарининг жорий қилиниши, тўлов-шартнома асосида магистратура мутахассисликларига ўқишга қабул қилинган хотин-қизларнинг шартнома тўловлари



давлатимиз томонидан қоплаб берилиши, фойсиз кредитлар, номинатсия ва унвонларнинг таъсис этилиши, аёл депутатларнинг сайланиши сингари имкониятлар тенглик тамойилининг амалдаги ифодасидир, десак, хато қилмаган бўламиз.

Бир вақтнинг ўзида мактаб ўқувчиларининг бир қанча жаҳон университетларига грантлар ютаётганлиги, фан олимпиадалари, спорт мусобақаларидаги ютуқ ва медалларнинг сон-саногини йўқ. Ёш авлодга тикилган инвестиция бу энг самарали инвестиция демакдир. Бутун инсониятни бирлик, муҳаббат ва маънавий покликка даъват этган буюк мутасаввиф шоир ва мутафаккир Жалолиддин Румий ҳазратларининг: "Илмсиз инсон — йўлсиз одамдек. Илм эса инсонга йўл кўрсатувчи нурдир", деган фикрлари ҳам ёшларнинг илмга бўлган қизиқишларига йўл очади. Шубҳасиз, кўш нури

бутун оламга энергия манбаи бўлса, илм нури инсонларга энергия манбаи ҳисобланади.

Хулоса ўрнида шуни айта оламани, маданият, таълим-тарбия, илм-маърифат, маънавият — инсонни камолотга етакловчи, унга нажот бағишловчи, куч берувчи, руҳига роҳат бағишловчи буюк бир неъмат экани бугунги тезкор, шиддатли ва рақамлаштирилган илғор дунёда янада яққолроқ намоён бўляпти. Боланинг бир қўлига гишт, яна бирига китоб бериб, ундан тутиб туриш сўралганида, у бевосита китобни танлаяпти. XX асрда авжга чиққан жадидчилик ҳаракати бугунги кунга келиб, етарлича ўз мевасини бермоқда. Мамлакатимиз Президентини, хурматли юртбошимиз Шавкат Мирзиёев ўз нутқида: "Энг катта ниятим ва орзум — таълимга янада катта эътибор қаратган ҳолда, бундай истеъдодли ҳамда садоқатли ёш муаллимлар сафини кенгайтириш. Шу мақсадда зарур бўлган ҳар қандай шaroитни яратиб беришга тайёрман", деган фикрларининг ўзидан ҳам бугунги кунда таълимга ва ёшларга берилаётган имконият ва имтиёزلарни англаш мумкин бўлади. Бугунги кундаги ёшларга яратиб берилаётган шарт-шaroитлардан тўғри ва оқилона фойдаланилсагина — ёшларнинг келажакига эътибор қаратилаётган бўлади.

Ўқиш, изланиш инсонни гўзаллаштиради. Онгини ўткир, зехнини мустаҳкам этади. Олтин зангламас, деганларидек, илмли, билимли инсонлар ҳамisha эл ардоғида бўлиб қолаверди.

Шухрат ХУДАЙБЕРГАНОВ,  
Урганч давлат педагогика институти  
магистратура бўлими бошлиғи,  
педагогика фанлари  
бўйича фалсафа доктори (PhD),  
профессор в.б.

✓ **ЎЙЛАР**

## “ДУШАНБА КЕЛМАЙДИ!”



Будильник — соат жиринглади. Ётоғим ёнида турган шафқ томон қўл узатиб, пайпаслай бошладим.

“Қарс!” Қидираётиб телефонимни тушириб юбордим, шекилли. Будильник овози очолмаган кўзимни телефоннинг ерга тушган овози мошдек очди.

Пастга қўл узатдим.  
— Бутун. Яхши.

Соат олтидан ўттиз икки дақиқа ўтибди. Ҳали эрта, “яна бироз мизғиб олай” деб ётоғимнинг қорнига қоришдим. Яна бир душанба тонги бой берилди.

Каллаи саҳарлаб югураман, кун тартибимни тўғрилайман, овқатимни ошлаб, ёмон одатларни ташлайман деяётган кечаги кўша-кўша гаплар қаерда қолди?... Ҳайронман.

Ҳа, майли, эртадан бошлайман. Бу ҳафта душанба бўлмаса, кейинги ҳафта-да... Шу гаплар кўпчиликка таниш. Биз ҳар сафар янги бошланишни кутамиз: янги ой, янги йил, янги ҳафта, янги душанба — ҳаммаси “идеал вақт” сифатида кўринади. Аммо қизиқ томони шундаки, ўша “идеал душанба” қачон келади?

Инсон кўпинча иш бошлаш учун мукаммал шaroитни кутади. Психологлар бунни “прокрастинация” деб аташади — зарур ишни кейинга суриш, ўз мақсадларига етишишдан вақтинча қочиш ҳолати. Сабоби кўпинча шижоат етишмаслиги, қўрқув, муваффақиятсизликдан хавотир ёки ўзини етарли тайёр ҳис қилмаслиқдир. Шунинг учун биз кўпинча “Агар вақт тўғри бўлса, бошлайман”, “Кейинги душанба билан бошлайман” деган гапларни такрорлаймиз. Аммо аслида мукаммал шартлар деярли ҳеч қачон юзага келмайди. Бу ҳолат инсонни икки томонга ундайди. Бир томондан, у ўзини вақт билан алдайди, ўзини қулай ҳис қилган пайтда иш бошлашни орзу қилади. Иккинчи томондан, вақт ўтади, режа амалга ошмайди ва ўзини танқид қилиш ҳисси кучаяди. Натижада инсон ҳаётдан тўлиқ завқлана олмайди, мақсадларига етиш имконини бой беради. Шу боис интизом ва мунтазамлик муваффақиятнинг асосий калити ҳисобланади.

Етук мутахассислар ва муваффақиятли инсонлар шуни яхши биладики, ҳар кун кичик қадамлар би-

лан мақсад сари интилиш — муваффақиятнинг сири. Илм-фан, санъат, спорт ёки бизнес соҳасидаги етук шахслар бу борада ҳам кунига оз бўлса-да, мақсадга интилишади. Ҳар бир кичик ҳаракат, кўзга кўринмас бўлса ҳам, охир-оқибат катта натижа беради. Америкалик ёзувчи ва тадбиркор Жеймс Клеарнинг “Атом одатлар” китобида шундай таъкидланади: ҳаракатни бугундан бошлаш, мукаммал шaroитни кутмаслик, кичик одатларни мунтазам бажариш инсонни ўз мақсадига яқинлаштиради. Шу нуқтага назардан қараганда, бир ишни бошлаш учун маълум вақтни кутиш шарт эмас. Агар мақсад аниқ бўлса, ҳаракат бугундан бошланиши лозим.

Ҳаётимизни тартибга солиш, ёмон одатларни камайтириш ва мақсадлар сари интилиш учун бир нечта амалий йўллар мавжуд. Катта мақсадлар кўпинча кўрқув уйғотади, аммо кичик вазифалар билан бошлаш психологик тўсиқни камайтиради. Режаларни ёзиш ва кунлик вазифаларни кўз олдида кўрсатиш шижоатни оширади. Мукамалликни кутмаслик муҳим — ҳеч қачон мукаммал шартлар бўлмайди. Ҳар бир кичик ютуқни қадрлаш ва ўзини рағбатлантириш ишончини кучайтиради. Оила ёки дўстлар билан мақсадларингизни бўлишиш ҳам сизни ҳаракатга ундайди.

Мутахассислар фикрича, мақсад сари интилиш ва ҳаётни бошқариш нафақат муваффақиятга, балки ҳаётдан завқланишга ҳам олиб келади. Инсон ўз вақтини ва энергиясини тартибга солганда, руҳий зўриқиш камаюди, эришган натижаси ҳисси кучаяди ва ҳар бир кун қадрини билиш имконияти ошади. Шу билан бирга, кичик одатларни кундалик ҳаётга татиқ қилиш, шижоат ва интизомни сақлаш ҳаёт сифатини сезиларли даражада яхшилайди.

Бугун бошлаш орқали инсон ўз келажакини куради, ўз ҳаётини бошқаради ва мукаммал шaroитларни кутмасдан, ҳақиқий натижаларга эришишни ўрганади. “Идеал душанба” ҳеч қачон келмайди, лекин бугун мавжуд ва бугун қилган ҳаракатларингиз сизни мақсадингизга яқинлаштиради, ҳаётингизни мазмунли ва самарали қилади.

Фарангиз АБРУЕВА,  
Ўзбекистон журналистика ва оммавий  
коммуникациялар университети  
талабаси.

✓ **ЭЪТИБОР**

## ҲОКИМ ЁШЛАР ТАКЛИФИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАДИ

Бугунги кунда мамлакатимизда Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида ёшлар масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилган бўлиб, уларнинг таълим олиши, ҳуқуқий онгини ошириш, бандлигини таъминлаш ва ташаббусларини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ана шундай амалий ишлардан бири сифатида аёничага айланган пайшанба — “Ёшлар кунин” доирасида Тошкент менежмент ва иқтисодиёт институтида талаба-ёшлар билан очиқ мулоқот ташкил этилди.

Ушбу учрашувда Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси ўринбосари Шухрат Полвонов, Яққасарой туман ҳокими Нилуфар Аллабергенова, туман прокурори Бекзод Шамшиев, институт ректори Ҳожиакбархон Аҳмедов, шунингдек, туман ҳокими ўринбосарлари ҳамда масъул раҳбарлар иштирок этишди.

Очиқ ва самимий руҳда ўтган мулоқот давомида ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, уларнинг фикр ва ташаббусларини рағбатлантириш, таълим сифати ва бандлик масалалари юзасидан атрафли фикр алмашилди. Талабалар ўзларини қизиқтирган саволларга бевосита мутахассислардан жавоб олиш имкониятига эга бўлди.

Учрашувнинг энг ёрқин ва эсда қоларли жиҳати бу — ёшлар томонидан билдирилган ташаббус бўлди. Хусусан, институт раҳбарияти ва талабалари туман ҳокимига ушбу учрашув самимий



руҳда ўтгани, институтга яна ташриф буюришларини сўраб, таклиф билдиришди. Бу таклифга Нилуфар Аллабергенова томонидан дарҳол ижобий муносабат билдирилиб, “Сизлар таклиф қилинганлар, албатта, бирга бундай учрашувларнинг кўпини ўтказамиз!” дея очиқ ва самимий жавоб қайтарилди.

Учрашув раҳбарлар ва ёшлар ўртасидаги очиклик, ишонч ва яқинлик муҳити тобора мустаҳкамланаётганининг амалий ифодаси бўлди десак хато бўлмайди. Муҳими, бундай мулоқотлар ёшларнинг жамият ҳаётида фаол иштирок этиши, ўз фикрини эркин билдириши ва

ташаббус кўрсатишига кенг йўл очмоқда.

Тадбир кўтаринки кайфиятда якунланиб, иштирокчиларда катта таассурот қолдирди. Энг муҳими, бу каби учрашувлар “Ёшлар ташаббуси амалга ошади” деган тамойил ҳаётда ўз ибодтини топаётганини яна бир бор кўрсатди.

Зеро, Президентимиз томонидан ёшларга қаратилаётган эътибор — бу келажакда қаратилган мустаҳкам пойдевордир.

Президентимизнинг “Янги Ўзбекистон стратегияси” китобида таълим ва тарбия ҳақида ҳам кенг фикр юритилиб, жумладан, шундай дейилади: “Олий таълим тизимининг вазифаси фақат талабаларга дарс беришдан иборат эмас. Университет ва институтиларимиз илм-фан соҳасида ҳам фаол ишлаши, ёшларни илмий ишларга, катта-катта лойиҳаларга жалб этиши керак.

Таълим соҳасининг яна бир энг асосий вазифаси бугунги кун учун зарур бўлган янги авлодни, илм-фан ва ўз иқтисодини асосларини пухта эгаллаган, билимли ёшларни тарбиялашдан иборатлиги шубҳасиз”.

Дарҳақиқат, Юртбошимизнинг юқоридagi фикрларига жавобан, Тошкент менежмент ва иқтисодиёт институтида ҳам ёшларнинг бугунги ўй-хаёллари, қизиқишлари, интилишлари ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда.

Содиржон ЯКУБОВ,  
Тошкент менежмент ва иқтисодиёт  
институти профессори.



ШЕЪРИЯТ

# Юракларда қолдириб изим...

Хузуринга келардим тезроқ,  
Дарёлардан, чўллардан ўтиб.  
Кудуқларга тўлибди тупроқ,  
Кўприкларни кетмишлар бузиб.

Менга таъна этмагил, дўстим,  
Ғоҳо илдам, ғоҳо тоялпман.  
Юракларда қолдириб изим,  
Мақсадга йўл қуриб боряпман.

ЎН УЧ ЁШ

Далаларда кечди болалик,  
Эгатларда қолди изларим.  
Кўтаролмай пахта, жолалик,  
Тўрт тарафга интиқ кўларим.  
Мадад сўрсам баланд тоғлардан,  
Оқ булутга тутди қоясин.  
Оталарнинг ишидан баъзан  
Англолмайди сўзу ғоясин.  
Тарозида тортилди кунлар,  
Ўқилмади қанча китобим.  
Бу пахтазор чексиз нақадар,  
Сингиб кетди менинг овозим.  
Навоий шеър битиб сўз ила  
Олам аҳлини эганади танг,  
Бобур подшо бўлган бу ёшда  
Мендан пахта илмини сўранг.

НАВОИЙНИ ЎҚИБ...

Бир мулкким —  
Қайғули салтанат!  
Қайслар мажнунваш саҳроларида,  
Сухайл оҳ чекар дарёларида.  
Мададаг қўл чўсам, етмайди,  
Ҳайҳот,  
Кўнглим овуғтайман наволаридан,  
Аллоҳнинг жаннатбахш жафоларидан,  
Соқий мажлисининг сафоларидан...

Бир мулкким —  
Нафис ул салтанат!  
Оразин ёпқай ёр шайдоларидан,  
Семурғ хушнуддир хатоларидан...  
Бу мулкда яшамок нечук бахт,  
Фақат,  
Қушлар нечун айро вафоларидан,  
Ул гул бахтиёрми яғмоларидан,  
Беҳабарму юрак садоларидан...

Бир мулкким!  
Ғаройиб салтанат,  
Қалбим вайрон бўлди низоларида,  
Хаёлим — Искандар маъволаридан!  
О, бу салтанатда яшаган ул халқ,  
О, бу салтанатда яшаётган халқ  
Ҳануз фориғ эрмас риёларида,  
Ҳануз ижобат йўқ дуоларидан,  
Хулосат йўқ мозий жазоларидан...

ХОНАКИ ГУЛЛАРИМ

Кўкламда ҳам япроқ тўкаверасан,  
Қишда гуллаб, булбул кутаверасан,  
Тўрт фаслни билмай ўтаверасан,  
Хонаки гулларим,  
Беор гулларим.  
Биларсан, мухташам қасрлар бордир,  
Қасрларда сенга асирлар бордир,  
Аспиди, сен ўзинг маҳкума ёрдир,  
Хонаки гулларим,  
Беор гулларим.  
Нигоҳлар қушдадин кўнар баргингга,  
Балки шу малҳамдир дилда дардингга.  
Сени ўлдирарлар босиб бағрига,  
Хонаки гулларим,  
Беор гулларим.

\*\*\*  
Кўнглим султониға инъом истадим,  
Хўсинг таърифига қалом изладим,  
Ун саккиз минг олам аро бўзладим,  
Хўсинга асрлар асир ўтдим-о...

Ёраб, сенга на калом, инъом керакдур,  
На қаср, на дур-у на жон керакдур,  
Кўйингда девона, нолон керакдур,  
Хўсингга асрлар асир ўтдинг-о...

БОЛАЛИКНИНГ ТУГАШИ

Эртакларнинг бағрига қайтдим,  
Борса келар, келмас йўлларга,  
Соғинчимни тошларга айтдим —  
Кўрғошин тоғ,  
Тақир чўлларга.

Бармоғимни кесдим, туз сепдим,  
Бедор бўлдим,  
Чекинди уйку.  
Шундагина англадим, етдим,  
Минг иккинчи кеча эди бу.

Аждарҳо ҳам, уйку ҳам келмас,  
Тонг оқармас,  
Туссиз фалаклар.  
Мени ҳеч ким юпата олмас,  
Қолмаганди янги эртаклар...

Ўтиб борар дунёни кўрдим,  
Юрагимни ўртади алам.  
Беҳол-беҳол қўлларин ўпдим,  
Онам қариб қолмишлар, онам.

Мен боладай беғам, беташвиш,  
Интиганим — она даргоҳи.  
Бошим узра мудом ёзилмиш,  
Битта паноҳ — она паноҳи.

Осмон боқдим, бағрим тигладим,  
Мадад тилаб, етмай бардошим  
Ва тун бўйи бедор йиғладим,  
Саҳар билан оқарди бошим...

Онам қариб қолмишлар, онам...

КУЗ ГУЛЛАРИ

Булбуллар тарк этар боғларни,  
Хазонларга кўмиллар йўллар.  
Тўнлар ўтар, кундузлар ўтар,  
Ҳамон кутар сабрли гуллар...

Қиш келяпти қиличин қайраб,  
Вужудингни қақшатар дами.  
Аммо совуқ қахридан қаттиқ  
Мезон гулларининг алами.

Куз гуллари, о, ўжар гуллар,  
Унутолмас орзуларини.  
Тақдирга бош эгиси келмас,  
Ошкор этмас қайғуларини.

Эй, табиат, ўжар гулларга  
Булбуллар айтсинлар сўзини.  
Токи орзу-армони билан  
Унутишсин гуллар ўзини.

ШАФҚАТСИЗЛИК

Ёрингга тутасан —  
Сен каби гўзал,  
Дея таърифларкан гулларни узиб.

Ҳатто тошни ёрар дардингни  
Жондан азиз дўстга айтасан.

Манзингга элтувчи йўллар  
Оёқларинг остида қолар...

ДИЛХИРОЖ

Дил сафар истайди мисли қаландар,  
Кулоҳни бостириб, таёқни йўниб,  
Умр саҳфасини беэаб манзиллар,

Юртма-юрт, кўнгиладан кўнгила қўниб,  
Дил сафар истайди мисли қаландар.

Кулоҳни бостириб, таёқни йўниб,  
Дардли юракларга эш, йўлдош бўлиб,  
Кўнгилда қўшиқлар жўш урса тўлиб,  
Йўлу йўлдошларга бир байтдан тутиб,  
Кулоҳни бостириб, таёқни йўниб.

Умр саҳфасини беэаб манзиллар,  
Файз бахш айласанг не давраларга,  
Қадим йўлчиларни кўмсаган йўллар,  
Меҳринг берсанг водий ва дараларга,  
Умр саҳфасини беэаб манзиллар.

Юртма-юрт, кўнгиладан кўнгила қўниб,  
Орзу-умидларни улашиб кун-тун,  
Уйғотсанг қолганда юраклар тўниб,  
Достонлар сўйласанг, кечалар узун,  
Юртма-юрт, кўнгиладан кўнгила қўниб.

Дил сафар истайди мисли қаландар,  
Тоша булоқларнинг сувидан ичиб.  
Покиза ниятлар сочиб ҳар саҳар,  
Бу ёлғон дунёнинг баҳридан кечиб,  
Дил сафар истайди мисли қаландар...

МАШРАБ

Далам кезсам, қирим кезсам,  
Кўнгиларнинг сирин кезсам.  
Аларнинг меҳрини сезсам,  
Бир қаландар яралмасму?

Таралсам мисли минг туйғу,  
Ватан деб бўзлаган қайғу,  
Ғоҳи армон, ғоҳи орзу,  
Муқаддас дард яралмасму?

Кўёш юз, туннинг моҳида,  
Алар оташ нигоҳида,  
Асрлар интихосида  
Ахир бир мард яралмасму!

БОЛАЛИКНИ ҚЎМСАШ

Кечалар —  
Ҳарирга чулғанган кундуз,  
Қўл чўсанг етгудек ишқомга кўнган  
Тўлин ой —  
Моҳтобни кўмсайман ҳануз.  
Бошида юлдузлар сочилган бола,  
Қадамда сирлар очилган бола,  
Сен босган изларни соғинаман мен,  
Донишманд кўларни,  
Офтоб юзларни,  
Сеҳрли сўзларни соғинаман мен,  
Бошида юлдузлар сочилган бола,  
Қадамда сирлар очилган бола.

Эй, Аллоҳдан тилаб олинган бола.  
Ажаб, сен барига парво қилмадинг...

\*\*\*  
Яна бироз алда ўзингни,  
Дардларингни шеърларингга айт.  
Кўларингда ошкор сўзингни  
Лабларингдан чиқарма фақат.

Сукут билан яшамок оғир,  
Шовқин солсанг, ёғилар нафрат.  
Эҳ, айтсанг ҳам, айтмасанг ҳам — бир,  
Алдовлардан йиғлар муҳаббат...

\*\*\*  
Ажаб, турфа сирлидир дунё,  
Англолмайди унинг бир сирин,  
Нечун ҳижрон, фиқроқлар аро  
Муҳаббатнинг азоби ширин...

Мисли ҳаёт шаъми — ёнса-да,  
Ёлқинлари дилда яширин.  
Ногоҳ армон бўлиб қолса-да,  
Шу армонли хаёллар ширин.

Эслаганда қалб ўртанса-да,  
Такрор кечиб гўзал туйғулар,  
Сўйлаб-сўйлаб дилинг ёнса-да,  
Лаззатлидир ўшал қайғулар...

\*\*\*  
Булбул айтсин кўнгили розини,  
Ватан, дея сас берсин Замин,  
Шаббодалар олиб созини  
Вақт ҳақида қўшиқлар айтсин.

Кенгликлардан сўйласин осмон,  
Меҳр сўзин айтгил, эй Кўёш.  
Мен шунчалар содда, бегумон,  
Ишонч тўла юрагим бебош.  
Ёш қалбимга тилайдирман дарс,  
Буқаламун сабоқ берма, бас...

\*\*\*  
Ўстирганди ақиқ қизил гул  
Хонасининг даричасида.  
Дунёдаги энг гўзал сулув  
Талабалар шаҳарчасида.

Гул мисоли ловуллаган чўғ,  
Рангин-рангин гўнчалар очар.  
Даричадан кўз узолмам, йўқ,  
Офтобжамол нуруни сочар.

Таҳсилни тугатдим қиз,  
Кетдимикан олис қишлоққа?!  
Хувуллаган хонада ёлғиз  
Бир гул қолди боқиб йироққа.

Кўнлар ўтиб борар, на чора,  
Ўртанади безовта кўнглим.  
Эвоҳ, сўлиб борар тобора,  
Бағритош қиз унутган гули.

ДУЭЛ

Гар шоирга дуч келмаганда  
Ким Дантесни ёдга оларди?  
Билмас эди қотил ўшанда,  
У тарихда қандай қоларди?

Замонлару давронлар ўтар,  
Жаранглайди шоирнинг сўзи.  
Дантес ҳамон шоирни отар,  
Лекин доим ўлади ўзи.

БОБУР

Ўз ҳолига кўй уни, қилич,  
Танҳоликни сўрайди бу дам.  
Майли, бўғиб ташласин Соғинч,  
Чорасизлик қўллари билан.

Кетинг,  
Аён ва мулозимлар,  
Сиз — фитна-ю фуҷур тўдаси.  
Шоир ҳар тонг йўлга отланар —  
Кетолмайди юртнинг тўраси.

Сиз ҳам кетинг,  
Сабр ва Бардош,  
Оҳ тутса ҳам Ҳинд осмонини.  
Қўлда қалам, кўзларида ёш:  
Бобур эслар...  
Анджонини.

МЕҲР

Йўл четида очиб кафтини  
Меҳр сўраб турган бу бола,  
Онасининг юрак тафтани  
Кўмсар эди қалбида нола.

Асли унга қақа не даркор,  
Кимхобларнинг йўқдир кераги.  
Аразлаган дунёдан бир бор,  
Овунарни энди юраги?



**Муаллиф ҳақида:**  
ХУМОЮН (Хумоюн Акбаров) — иқтидорли шоир, адиб ва таржимон. Унинг хаёллари чорлайдиган фалсафий лирик шеърлари, тарихимизнинг олис қатламларига бағишланган “Анахита” тарихий романи, Александр Сергеевич Пушкин, Лев Толстой, Антон Павлович Чехов асарларидан моҳирона қилган таржималари аллақачон ўқувчилар меҳрини қозонган. Ижодкор янгидан-янги асарлар устида ишламоқда, ижодий изланишлар олиб бормоқда. Қўйида шоирнинг бир туркум шеърлари эълон қилинмоқда.

Ўтадилар дилларин гашлаб,  
Нигоҳларда ачиниш, раҳм.  
Ўтадилар садақа ташлаб,  
Бир сиқим пул отар аллаким.

Оқшом бола қайтади ҳориб,  
Садақадан топмай маънини.  
Борар боши куйи солиниб,  
Бермадилар тилаганини.

ИЗОҲЛИ ЛУҒАТ

Туғилганнинг туғи бор,  
Эракларда эрк бордир,  
Бу замонга омон ёр,  
Қаламга алам ёрдир,  
Ориятда — уят, ор,  
Яширинда бор ширин,  
Кўшиқ аро ишқ такрор,  
Заминда пинҳон омин,  
Ер дегани — емоқдир.  
Осилмоққа бор осмон,  
Юрт дегани юрмоқдир,  
Кўнгли талпинган томон.  
Ўзбек сўзин беки бор,  
Ўзбек сўзин ўзи бор!  
Бу луғатда неки бор  
Тарихимнинг изи бор!

УЙҚУДАГИ ГЎЗАЛ (Томди туманида)

Оқтов бўйлаб чопдим дулдур,  
Саксовуллар очибди гул,  
Бир парига бўлдим мен қул,  
Томди, Томди, дилим ёнди.

Қирдан қирга кездим ёлғиз,  
Ухлар эди тоғда бир қиз,  
Уйғонмади гўзал ҳаргиз,  
Томди, Томди, дилим ёнди.

Олтин сочи товланади,  
Офтобда оловланади,  
Қиз уйғонса — солланади,  
Томди, Томди, дилим ёнди.

Тоғинг сулув, боғинг сулув,  
Кўкламда ҳар чоғинг сулув,  
Ахир сенга охиридан бир бор,  
Томди, Томди, дилим ёнди.

ҲАЖВИЙ ҲИКОЯ


Тўрт ойгина муаллимликнинг маошини олган Ҳамидуллани туман газетасига ишга таклиф этишди. Талабалик йилларидаёқ газета ва журналларда шалалоқдай-шалалоқдай мақолалари билан қатнашиб турган Ҳамидуллани қаламкашлар яхши билишарди. Уқувни дуруст эмасми, тез орада бўлим мудир бўлиб олди.

“Тахририятга ишга ўтганман”, деганида ҳеч ким ишонмади. Ҳатто тўққиз ой бир қоринда бўлиб, фақат бир неча дақиқа отасидан олдин оламини кўрган Ҳасан амакиси ҳам қўл силтаб қўйди:

— Ҳимм! Шундай дегин! Санга ўхшаганлар анқонинг уруғи эканми? Бизам тушунамиз, сани газетдагилар бошига урадимми? Ўзи пединститутни зўрга битирган бўлсанг. Биласанми, шоир бўлиш учун камида Тошкентдаги журналистикани битириш керак...

Лекин газетанинг деярли ҳар сониди гоҳ чўнтакойнадек жойда хабар, гоҳ камзулнинг чўнтагидек мақоласи, гоҳ газетанинг бутун бир саҳифасини эгаллаган лавҳалар тағида: “Ҳамидулла Шошқин, махсус муҳбиримиз” ёзуви кўзга ташланган бўлди. Мақоласи чиққан кунни у чой ичиш нарида турсин, ҳатто ухлашни ҳам унутиб қўйди. Мақолалари хусусида одамлар қандай фикрда эканлигини билишга жуда интиқ эди. Аксига олгандек, биров ўзидан билиб Ҳамидулланинг ижоди ҳақида оғиз очмайди. Ўзи шу мавзуда гап бошлайин деса, мактабнаётгандек туюлади. Шундай бўлса-да, ҳар замонда кўнгилга яқин дўстларидан: “Қалай, ёзган мақолаларимдаги фикрлар маъқулми?” — деб сўраб қўяди.

— Оббо! Газет ўқишга вақт қаерда, санга ўхшаб бекорчиманми? Газет титкилаш қолувди энди, — деди синфдоши тракторчи Қодир. — Ундан кўра зўр бўлсанг, мани суратимни газетингга чиқар...



Абдулла АЙИЗОВ

Ҳамидулла шунга ҳам хурсанд: демак, дўстининг матбуотга ихлоси бор.

Бир кун матбуот деса ўзини томдан ташлайдиган, мудом туман газетасининг янги сонини кўлтига кистириб юрадиган кўниси Эргаш домладан ўзи ёзган мақолалар ҳақида фикрини билиш учун суҳбатлашишга чиқди:

— Э, ука, туман газетаси кейинги пайтларда яхши чиқмапти-да, мақолаларда нуқул сийқаси чиққан гаплар. Обуна бўлганимга, таъсирли жойи йўқ-да, тўғрими? — деб қолди бир пайт Эргаш домла.

Домласининг “тўғрими?” деган саволига ноилож “ҳимм!” дея бошини қимирлатди Ҳамидулла.

“Қизиқ, одамлар газеталарга қизиқмас экан-да ёки мен ишлаётганим учун шундай дейишяптими?” — дея ўйлади Ҳамидулла. Тўғри-да, яқин дўстларидан бирор-таси, ҳатто тилга тушган, шов-шувга сабаб бўлган мақолалари хусусида ҳам гапиришмайди-я! Қайтага, беғоналар:

— Уртоқ Шошқин, тунов кунги мақолани бошлабсиз, роса мириқиб ўқидик, — дейишди.

Майли, ўқишмаса, ўқишмасин. Ҳар бир газетанинг ҳам ўз мухлислари бор. Газета чиқаверади, ҳамкасблари қатори Ҳамидулла Шошқин ёзаверади, кўнлар ўтаверади...

Газетанинг уч кун олдинги сони сўнги саҳифасида кичкинагина жойда “тузатиш” берилди: “Газета тахририяти навбатчиси Ҳ.Шошқин хатоликка йўл қўйганилиги учун бўлим мудир вазифасидан адабий ҳодимликка туширилди”.

Ҳамидулланинг бошига биров гурзи билан ургандек гандираклар қолди. У “тузатиш” берилган газетанинг ҳамма нухасини сотиб олишга тайёр эди. Ахир танишбилешлари ўқишса, нима дейишди? Хатоликка йўл қўйиш муҳбир учун уят-ку! Муҳаррирга ҳам ҳайронсан, арзимас имловий хато учун шунча гап-а! Тўғри, Ҳамидулла ҳам айб бор. Қандайдир ўзи сезмаган ҳолда хато ўтказиб юборди.

— Уф-ф! — Ҳамидулла сиқила бошлади. — Хўш, вазифамдан пасайтиришди. Шунинг эълон қилиш шартми? Қани энди одамлар газетанинг шу сонини ўқишмаса. Ҳеч бўлмаса, “тузатиш”га эътибор беришмаса.

“Э, танишларим ҳозиргача бу газетани қизиқиб ўқишмас эди. Бугун ҳам ўқишмас”, деган гап Ҳамидуллани тинчлантирди.

У уйга келди-ю, ижодхонасига кириб ётди. Ҳеч ким

билан суҳбатлашгиси келмасди. Бирдан телефон жиринглади. Трубкадан амакисининг овози эшитилди:

— Жиян, ўзингмисан? Тинчликми? Аҳа, газетда ишлаш осонмас дегандим-ку. Ана, хато қилиб, шарманда бўлибсан-ку! Жимгина мактабда болаларни алдаб юрмайсаними?..

Ҳамидулла гапнинг у ёғини эшитмади. Тағин телефон кўнгириги... Дўст-биродарлари “ҳол-аҳвол” сўрашарди.

Эртасига маҳалладаги тўйга чиқди. Эндигина ошни еб бўлиб, бир пиёла чойни қўлига олувди ҳамки, почтачи Бозор шақилдоқ пайдо бўлди. Болалар асалари лар гулга ёпишгандек уни ўраб олишди.

— Манави газетани ўқинглар. Охириг бетдаги “хабар”ни уйдагиларга кўрсатинглар. Ўзимизнинг Ҳамидулла Шошқин ҳақида ёзишган.

— Э, бунинг энди тарқатяйсизми? Ман кеча ўқигандим, — дея бақириб гапга аралашди Қодир тракторчи ва изза бўлиб ўтирган Ҳамидуллага кўзи тушган, юзларига негадир кувонч ёйилиб деди:

— Оғайни, мактабга қайтасанми? Ман ўзимни чапласавод деб юрсам, сан беш-баттар экансан-ку, бўлмасам, газетга ҳам хато ёзасанми?

Эргаш домла устози ҳам Ҳамидуллани кўчада учратиб, роса афсусланди:

— Сени иқтидорли шоирим деб юрсам, хатоликка йўл қўйиб, қовун туширибсан-ку! Келаси йил шу газетата обуна бўламан, чунки кейинги пайтларда жуда таъсирли чиқяпти. Масалан, тунов кунги сони ҳам қизиқarli, мазмунли чиқибди, тўғрими?



**Муаллиф ҳақида:**  
Абдулла АЙИЗОВ 1962 йилда Қашқадарё вилояти Касби туманидаги Майманқоқ қишлоғида туғилган. 1986 йили Республика давлат жаҳон тиллари университети (ҳозирги Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети)ни тугатган. “Отам ёди”, “Бир гап бўлар”, “Полвон йиғлаган тун”, “Турфа одамлар”, “Катта бўлай, кўрасиз!” деб номланган қатор шеърый ва насрий китоблари чоп этилган. “Орзулар қаноти” (хаммуаллифликда) деб аталган драматик асари Ўзбекистон Давлат Ёш томошабинлар театрида саҳналаштирилган. Ўзбекистон Ёзувчилар ва Журналистлар уюшмалари аъзоси.

ПРЕМЬЕРА

# САМОВИЙ МУҲАББАТ ҚИССАСИ

Президентимизнинг алоҳида ғамхўрлиги сабабли, барча соҳалар қаторида миллий кинематография соҳасида ҳам катта ўзгаришлар, янгиланишлар юз бермоқда. Энг муҳими, ана шу эътибор билан ўзбек киноси дунёга буй кўрсатмоқда, эзу халқ севиб томоша қиладиган савияси баланд киноасарлар яратилмоқда.

Жорий йилнинг 21 март куни — Наврўз байрами оқшомида пойтахтимиздаги Ўзбекистон миллий кино санъати саройида намоиш этилган "Осмони фалакларда: Авиаларвознинг ягона қурбони" бадиий фильми тақдиримизнинг амалий ифодасига бир мисол бўлди, десак, хато бўлмайди.

Шу ўринда битта мулоҳаза. Биз мактабни битириб, ўқиш учун Тошкентга келганимизда, шаҳарда ҳаёт кайнарда. У вақтларда Тошкентда кинотеатрлар кўп бўлиб, халқаро фестиваллар вақтида ва ҳинд кинолари намоиш қилинганда чипта топиб бўлмасди. Эринмаган ёшлар учун "Янги одам", Лисунов номидаги кинотеатрлар бир қадам бўларди. Кинотеатрларнинг энг нуфузлиси "Панорама" (ҳозирги Ўзбекистон Миллий кино санъати саройи) эди.

Бадиий фильмининг тақдирот маросимида иштирок этар эканман, ёшлик даврларим эсга тушиб кетди. Тадбирда иштирок этган зиёлиларни кўриб, "Панорама"нинг шуқухи яна кайтгандек туюлди.

Фильм ҳақида мухтасар сўз юритадиган бўлсак, у томошабинни бефарқ қолдирмайди. Чунки жуда пишиқ ишланган. Фильмни томоша қилган одам унинг ичига қиради, бошқа ҳамма нарсани унутди. Чуккур драматик сюжетга бойлиги асарнинг ва фильм сценарийсининг юксак даражада битилганидан далолат беради.

Албатта, яхши ва умри узоқ кинофильм учун, албатта, кучли адабий асар, пухта киносценарий зарур бўлади. Бу масалада Ўзбекистон халқ ёзувчиси, атоқли адиб Хайриддин Султоннинг "Осмони фалакларда" асари муҳимлардан-муҳим асос бўлган. Қолаверса, ушбу асарнинг қисқа вақт ичида бир қанча тилларга таржима қилинган, китобхонларнинг меҳрини қозонгани бежиз эмас. Чунки асар ниҳоятда таъсирчан усулда ёзилган. Пойдевор қанчалик мустаҳкам бўлса, қуриладиган иншоот ҳам шунга мос бақувват бўлади. Асар юксак даражада битилгани, китобхонни ўзига "михлаб" кўйиши киноасарга ҳам кўчгани тайин.

Кино сюжети марказида ёш учувчи Искандар образи туради. У учувчилар тайёрлайдиган олий даргоҳда ўқиш учун пухта тайёрларлик кўради. Жумладан, бунинг учун инглиз тилини мукаммал эгаллаши керак эди. Шу боис қўшимча тайёрлов-репетиторга қатнашди. Инглиз тилидан сабоқ берадиган қиз — Садаф билан танишиш ана шундай оддий воқеалик билан бошланади. У Искандарни ўзига ром этади, қайсидир маънода тарбиялайди, руҳан камолга етишида катта ўрин туради. Бу ерда оддий муҳаббат қиссаси эмас, балки инсон қалбини, қутилмаган тақдир синовларини ўзига мужассам эта олган драматик воқеалик.

Фильм ўзининг чуқур драматик сюжети билан томошабинни сеҳрлаб олади. Унда инсон тақдирини, руҳий кечинмаларини ёрқин акс этган. Воқеалар мантикий изчиллиги томошабинни теран мушоҳада қилишга ундайди. Одатда, киноасарларнинг шуҳрат даражаси эл оғзига тушган иборалар билан белгиланади. "Душманингни дустингдан кўра яқинроқ тут", "Мен ўта иримчи одамман, агар укамга бир кор-хол бўлса, сендан кўраман" ("Валкири"), "Аёл — инсоннинг дўсти" ("Кавказ асираси"), "Нега ҳамманнинг кетмони учад-ю, менки учмайди?" ("Абдуллажон") сингари ва ҳоказо. Бу фильмининг оригиналлиги шундаки, ўзбек киносида шу тобгача айтилмаган сўзалар айрилди. Демак, қанотли иборалар лугатимиз бойиб борапти.

Ижодий гуруҳни ҳам том маънода юлдузли таркиб деса бўлади: сценарий муаллифи Хайриддин Султон, режиссёр Жаҳонгир Қосимов, муҳаррир Мурод Муҳаммад Дўст.

Искандарлик Искандар (Мердан Матвелиев) учувчилиққа қизиқади. Риғадаги учувчилар институтига кириш учун инглиз тилини ўрганайди. Уқш давомда ўзидан олти ёш катта репетитори Садаф (Юлдуз Ражабова) хонимини севиб қолади. Уларнинг севаги жуда ҳаётли тасвирланади. Бу образлар орқали инсоний туйғулар, фидойилик ва синовларга бардош ифода этилган.

Тақдир экан, Садаф бошқа эркакка турмушга чиқади. Аммо Искандар барибир унга бўлган муҳаббатидан воз кечмайди. Садафнинг қатъий талаби туфайли Искандар уйланишга мажбур бўлади. Аммо бир ҳафта мобайнида жуфти ҳалолига қўлини ҳам теккиза олмайди. Ана шу вазият кинода жуда ўзбекона ва ишонarli намойён қилинган. Аслида, ҳаётда ҳам шундай-ку: юрагингиз бошқа инсон деб турса, "Кўнлимда бир ёр-у, кўнимда бир ёр" қўшиғини хиргойи қилишдан бошқа чора қолмайди. Шунда Яхшигул: "Мен сизни тушунаман", дейди. "Сен чиндан ҳам Яхшигул экансан". Бу севмасида-да, ота-она, қариндошлар хоҳишига кўра уйланган Искандарнинг



гапи. Ҳаётини гап. Чунки бундай инсоний қарашлар, фазилатлар ҳар қандай кўнглини юмшатади. Меҳр уйғоради. Орадан тўққиз ой ўтиб, улар қиз фарзандли бўлишади. Яхшигул (Ситора Шерназарова) кадрларда тўрт марта, шунда ҳам ҳаммасини ҳисоблаганда, узоғи билан икки-уч дақиқача кўриниш беради. Агарда мендан "Энг маҳоратли образ ижросини ким?" деб сўрайдиган бўлишса, Искандар, Садаф ролларини гавдалантирган актёрларни асло кам-

ситмаган ҳолда, "Яхшигул" деб жавоб берган бўлардим. Биринчи марта чимилдиқда ишонч ва меҳр билан: "Мен сизни тушунаман", дейди. Ана шу биргина сўз йигитга ишонч беради ва юзи ёруғ бўлади. Иккинчи марта туғруқхонда эрига садоқатли ёр ва меҳрибон она сифатида намойён бўлади. Учинчи кўринишда эса бир оғиз сўз айтмайди. Бемор фарзандини кўтариб "Тез ёрдам" машинасига ўтиради. Тўртинчи кўринишда онаси билан хайрлашиб, хотинига "хайр" дейишни ўзига эп кўрмаган Искандарнинг ортидан юраги вайрон тарзда деразадан жим қараб қолади. Яхшигул образи хатти-ҳаракатларини таҳлил қилар эканман, беихтиёр "Туркманфильм"нинг "Келин"идаги бир оғиз сўз айтмайдиган келинчақ эсимга тушиб кетди. Аммо "Осмони фалакларда: Авиаларвознинг ягона қурбони" фильмидаги бу образ мутлақо янги, ўзига хос талқиндир.

Искандар бахтли ҳаёт кечираётганида қутилмаганда ўзи бошқараётган самолётда Садафни учратиб қолади. Оилага хиёнат аралашади. Энди у Яхшигулга бефарқ бўла бошлайди. Яхшигул бунни сезади. Аммо индамайди. Асар муаллифининг ҳам, фильмининг ҳам ютуғи шунда. Чунки ҳаётда ана шундай қисматга эга инсонлар ҳам йўқ эмас. Бу ерда чин инсоний муҳаббат, кўнгли туйғулар акс эттирилади. Қани эди, тақдирнинг синовлари Садаф учун ҳам, Искандар учун ҳам улар истаганидек бошқачароқ бўлган эди. Лекин бунинг ҳаёт дейдилар.

Бир куни Садаф Искандардан "Қизингнинг исми нима?" деб сўради. "Садаф" деган жавобни эшитган, "Кимга ўхшайди?" деди. "Сенга", деди Искандар. "Нима, генетикада янгилик яратдингми?" деди Садаф. Шу савол-жавобларни тинглар эканман, Альберто Моравяннинг "Римлик аёл"идаги бош қахрамон бўлмиш Адриана беихтиёр ёдимга тушди. Унинг ғирт безоридан туғилган ўғли севган йигити — фазисизма қарши курашда ҳалок бўлган Жакомога ўхшаб кетарди...

Фильмда севгисига садоқатли бўлган Искандарнинг, Искандарни оила-сига хиёнат қилишга мажбур қилгани учун ўзини айбдор деб ҳисоблайдиган Садафнинг ички ҳиссийлари ишонarli очиб берилган. Айбини ювиш учун Садаф Искандарга хиёнат қилиш саҳнасини ташкиллаштиради. Аммо бу саҳна ҳаммага қимматга тушади. Садафнинг уйда унинг "жазмин"ни калтаклаган Искандар само-

лётни бошқаради. Аслида, бу каби вазиятларда руҳан чарчаган учувчиларга штурваль ишониб топширилмайди. Лекин... Искандар 220 нафар йўловчининг айби йўқлигини, "жазо"га фақат биргина ўзи лойиқлигини айтиб, Яратганга илтижо қилади. Унинг муножотини тинглаб, бемор ўғли Ҳумоюн ёнида турган шох Бобурнинг: "Менинг жонимни ол-у, фарзандимни омон қолдир", деган нидоси ёдимизга тушади. Шунда фильм нима сабабдан "Осмони фалакларда: Авиаларвознинг ягона қурбони" деб номланганини аниқлашди. Фильмнинг сўнгги дақиқалари ўта таъсирли: биринчи стюардессанинг "Кема командири..." дея бошқа гапир олмагани, ўзини базур тутган иккинчи стюардесса унинг гапини давом эттиргани ўта табиий қўнган. Фильм Истанбул аэропортига қўнган "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиацион компанияси учоғи тағига "Тез ёрдам" машинаси келиши билан тугайди...

Фильм сценарий муаллифи Хайриддин Султон премьерлада сўз олиб, киноасарнинг дунёга келишида хизмати синган, уни қўллаб-қувватлаганларга алоҳида миннатдорчилик билдирди. Ўз навбатида фильм ижодкорларидан "унда қатнашадиган актёрларни танлашда уларнинг китоб ўқиган иқтидорлар бўлишини" алоҳида сўраганини яшириб ўттирмади.

Дарҳақиқат, китоб ўқимайдиган актёр роль ўйнаса, у ҳар қанча машхур, таниқли бўлса ҳам томошабиннинг юрагини забт эта олмайди. Адбиднинг ана шу масаладаги қатъий талаби муҳим роль ўйнаган. Кинода китоб ўқийдиган, савияси юксак санъаткорлар қатнашгани ва айнан шу жиҳат ҳам унинг муваффақиятини таъминлаган бўлса, ажаб эмас.

Фильм режиссёри Жаҳонгир Қосимовнинг айтишича, ушбу асарни битта кинофильмда намоиш этишининг имкони бўлмаган. Шу боис иккинчи фильм ҳам деярли суратга олиб бўлинган. Унинг намоиши шу йилнинг биринчи ярмида халқимизга тақдим этилади.

Шуни ишонч билан айтиш жоизки, "Осмони фалакларда: Авиаларвознинг ягона қурбони" фильми нафақат кино илҳомландари, балки кенг жамоатчилик учун ҳам чуқур таассурот уйғотувчи, мушоҳадага чорловчи ва илҳом бахш этувчи санъат асари сифатида эътирофга молик.

Шарофиддин ТўЛАГАНОВ,  
журналист.

## КОРЕЯ ВА ХИТОЙ ДЕЛЕГАЦИЯЛАРИ ИШТИРОКИДАГИ НАВРЎЗ ТАНТАНАЛАРИ



1-6. — Аввало, бу каби юксак эътироф мен учун катта шараф эканини таъкидлаб ўтмоқчиман. Бу ишонч ва эътибор менга янада катта масъулият юклайди. Келгусида университет билан илмий-инновацион лойиҳаларни амалга ошириш, замонавий технологияларни жорий этиш ҳамда юқори малакали кадрлар тайёрлаш йўналишларида ҳамкорликни янада ривожлантиришга тайёрмиз. Умид қиламанки, ушбу ҳамкорлик ҳар икки томон учун ҳам манфаатли бўлиб, илм-фан ва таълим соҳасида янги ютуқларга эришишга, — деди "АНА Со.,Ltd" компанияси раҳбари Ку Ги До.

Йигилишда "АНА Со.,Ltd" компанияси раҳбари Ку Ги До "ODA" компанияси билан ҳамкорликда умумий қиймати 7 миллион АҚШ долларига тенг бўлган 6 та замонавий пресс аппарат университетга олиб келинишни маълум қилди. Шунингдек, ҳар йили 10 нафар талаба учун стажировка-амалиёт грантлари ажратилиши қайд этилди.

Шундан сўнг, Ку Ги До ҳамда Хитойнинг "Lonton" компанияси бошқарув раиси Хэ Шинкай бошчилигидаги делегация вакиллари Наврўз байрами тантаналарида иштирок этди. Факультетлар томонидан ташкил этилган, миллий аънаналар, урф-одатлар, хунармандчилик на-

муналари ва замонавий ёндашувлар уйғунлашган павильонлар меҳмонларда катта таассурот қолдирди.

Байрам доирасида миллий спорт уйинлари, сумалак сайли, "Миллий либослар подиуми", куй-қўшиқлар ҳамда концерт дастурлари ташкил этилди. Шунингдек, таниқли санъаткорлар иштирокидаги концерт дастури профессор-ўқитувчилар ва талаба-ёшларга юқори кайфият улашди.

Шоҳсанам ЭШМАТОВА,  
Фаргона давлат техника университети  
Ахборот хизмати раҳбари.

### 1 АПРЕЛЬ ҲАЗИЛИ

Санасанг, кўпчилик ҳавас қилувчи муассисларга эга, лекин иқтисодий аҳволига бугунги кунда унча ҳавас қилиб бўлмайдиган "Oishloq hayoti" газетасининг кўни тугди: узунқулоқ хабарларга қараганда, ушбу "оқсоқол" нашрининг йил давомида салмоқли адабда узлуксиз чоп этилиши учун беш миллиард сўм маблағ ажратилибди. Ва энг қувончлиси, газета бош муҳаррири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Чори Латиповга саховатпеша ҳомиялар томонидан эллик миллион сўм мукофот ҳам тақдим этилганмиш!

### ҲИКМАТ

Куёш нурларини беркитиб бўлмаганидек, ҳақиқатнинг чирогини ҳам сўндириб бўлмас.

Маҳмуд аз-ЗАМАХШАРИЙ.

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси таниқли журналист ва адиб, уюшма аъзоси  
**Карим БАҲРИЕВ**нинг  
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардик билдиради.

"Hurriyat" мустақил газетаси таҳририяти жамоаси газетанинг биринчи бош муҳаррири, таниқли журналист, публицист, шоир ва таржимон  
**Карим БАҲРИЕВ**нинг  
вафот этгани муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва барча яқинларига таъзия билдиради.

